



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

**4.1**  
МОДУЛ

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ  
ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

# ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ  
ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖУМА**

**Малака тоифа  
йўналиши:**

**технология фани ўқитувчилари**

**Тингловчилар  
контингенти:**

**умумий ўрта таълим мактаблари,  
ёрдамчи мактаб ва мактаб-  
интернатларининг технология фани  
ўқитувчилари**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган Технология фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** **Ў.О.Тоҳиров** – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Илғор тажриба ва халқаро ҳамкорлик илмий-ахборот тадқиқотлар” бўлими бошлиғи.

**Тақризчилар:** **Р.Муллаҳметов** – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Меҳнат таълими ва дизайн” кафедраси мудири, доцент, п.ф.н.

**Л.Э.Юнусов** – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим методикаси” кафедраси мудири.

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

**М У Н Д А Р И Ж А**

<b>I.</b> Ишчи дастур. ....	5
<b>II.</b> Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлар. ....	12
<b>III.</b> Назарий машғулот материаллари. ....	29
<b>IV.</b> Амалий машғулот материаллари. ....	81
<b>V.</b> Кўчма машғулот материаллари. ....	102
<b>VI.</b> Кейслар тўплами. ....	107
<b>VII.</b> Мустақил таълим мавзулари. ....	117
<b>VIII.</b> Глоссарий. ....	121
<b>IX.</b> Адабиётлар рўйхати. ....	130

The text is framed by two large, dark blue brackets. The left bracket is on the left side, and the right bracket is on the right side, both opening towards the center text.

**ИШЧИ ДАСТУР**

## К И Р И Ш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли Қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарorigа мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш асосида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш зарур ҳиобланади.

Бу эса умумий ўрта таълим мактабларининг технология фани ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда таълим тизимида амалга оширилаётган замонавий ёндашувлар ва инновациялардан самарали фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Шу боис, технология фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастурига “Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модули киритилган.

“Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модулининг ишчи ўқув дастури технология фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у технология фани ўқитувчиларига таълимда замонавий ёндашувлар ва инновацияларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беради.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** умумий ўрта таълим мактаблари технология фани ўқитувчиларининг таълим-тарбия жараёнида замонавий ёндашувлар ва инновацияларни қўллаш компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш;
- тингловчиларда технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувларни татбиқ қилиш, инновацион технологияларни амалга ошириш учун зарур бўлган методологик билимлар ва кўникмаларни шакллантириш;
- технология дарсларида замонавий таълим воситалардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;
- технология фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича тадқиқотлар билан таништириш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **Тингловчи:**

- таълим соҳасидаги инновацион фаолият асосларини;
- технология фанини ўқитишда қўлланиладиган замонавий ёндашувлар, тенденциялар ва инновацион технологияларни;
- технология фанини ўқитишда қўйиладиган ҳозирги замон талабларини **билиши;**
- технология фанининг таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш;
- ўқитиш мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва ўқувчилар онгига етказиш йўллари қўллаш;
- умумий ўрта таълим мактабларининг технология фанини ўқитиш олдидаги долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш **кўникмаларига эга бўлиши;**
- технология фани дарсларида замонавий инновацион педагогик технологияларни қўллаш;
- технология фани дарсларига қўйиладиган замонавий талаблар асосида дарсларни ташкил этиш **малакаларига эга бўлиши;**
- замонавий ёндашувлар ва инновациялардан касбий фаолиятда фойдаланиш;
- технология фанини ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

- ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва касбга йўналтириш;
- технология фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича тадқиқотларидан хабардор бўлиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” ўқув модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда технология фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар ва инновацион технологиялар ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацион технологияларнинг қўлланилиши, замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш усуллари, технология фани дарсига қўйилган замонавий талаблар ўргатилади.

Амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” ва “Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Мазкур модул “Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” блокларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини технология фанига татбиқ этиш имкониятлари очиқ берилади.

### **Модулнинг таълимдаги ўрни**

Тингловчиларга технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацияларни ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.



## Модул бўйича соатлар тақсимоти

Т/р	Фан мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			
				назарий	амалий	кўчма машғулот	Мустақил таълим
1.	Технология фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар.	2	2	2	-	-	-
2.	Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидаги ўрни ва роли.	2	2	-	2	-	-
3.	Технология фани ўқитувчисига қўйиладиган квалификация талаблар: шахсий ва касбий; креативлик ва компетентлик.	2	2	2	4	-	-
4.	Технология фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувлар.	6	4	2	4	-	2
5.	Технология фанида STEM таълимий ёндашуви	2	2	2	-		
6.	Технология фанининг ривожланиш тенденциялари ва инновациялар.	4	4	-	-	4	-
<b>Жами:</b>		<b>24</b>	<b>22</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	<b>2</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Технология фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар** (2 соат маъруза).

Ривожланган давлатларда технология фанининг мазмуни ва уни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар, фани ривожланишидаги хорижий замонавий ёндашувлар ва инновациялар. Америка, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея ва бошқа таълим тизими ривожланган давлатларда технология фанини ташкил этилиши ҳамда ривожланиш ҳолати.

**2-мавзу: Технология фани ўқитувчисига қўйиладиган квалификация талаблар: шахсий ва касбий; креативлик ва компетентлик** (2 соат маъруза).

Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбати, креативлик тушунчасининг тавсифланиши, креатив шахс индивидуал сифатларини касбий ижодкорлиги. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти.

**3-мавзу: Технология фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувлар** (2 соат маъруза).

Технология фанини ўқитишда компетенциявий ёндашув. Технология фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти шарҳи. Таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда қўлланиладиган инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш усуллари.

**4-мавзу: Технология фанида STEM таълимий ёндашуви** (2 соат маъруза).

STEM таълими. STEM таълимий ёндашув. STEM атамаси. STEM таълимнинг афзалликлари. STEM таълимини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш масаллари. Технология фанида STEM таълимий ёндашувнинг аҳамияти.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидаги ўрни ва роли** (2 соат амалий машғулот).

“Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларда белгиланган узлуксиз таълим тизими. Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидаги ўзига хос ўрни ва ролининг аҳамияти. Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар. Фанни ривожланиш тарихи босқичлари. Жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантириш тенденциялари.

**2-мавзу: Технология фани ўқитувчисига қўйиладиган квалификациян талаблар: шахсий ва касбий; креативлик ва компетентлик** (4 соат амалий машғулот).

Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбати, креативлик тушунчасининг тавсифланиши, креатив шахс индивидуал сифатларини касбий ижодкорлиги. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти.

**3-мавзу: Технология фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувлар** (4 соат амалий машғулот).

Технология фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти ва ўқув дастури таҳлили. Технология фанидан таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш масаллари. Компетенцияларни шакллантиришда инновацион педагогик технологияларнинг ўрни, асосий йўналишлари, таркибий қисмлари. Технология фани машғулотларида компетенцияларни шакллантиришнинг интерфаол методлари.

## КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **Кўчма машғулот. Технология фанининг ривожланиш тенденциялари ва инновациялар (4 соат)**

Технология фани ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича инновациялар, тадқиқотлар билан танишиш.

*Кўчма машғулот “Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текишириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларида ташкил этилади.*

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Технология фани дарсларини ташкил этиш, моддий-техник ва хом ашё базасини такомиллаштиришнинг инновацион технологиялари” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Т/р	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1.	“Технология фани дарсларини ташкил этиш, моддий-техник ва хом ашё базасини такомиллаштиришнинг инновацион технологиялари” мавзусида мустақил иш (малака иши мавзуси мисолида).	3	3 балл

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);


- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### 1. “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



**Намуна:** Муаммоли таълим ёндашувларининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Муаммоли таълим ёндашувларининг кучли томонлари	
W	Муаммоли таълим ёндашувларининг кучсиз томонлари	
O	Муаммоли таълим ёндашувларининг имкониятлари (ички)	
T	Муаммоли таълим ёндашувларини амалда қўллашдаги тўсиқлар (ташқи)	

### 2. “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” – инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “study” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характериға эға бўлади, бирор бир жараёни тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалға оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

### “Кейс-стади методи” ни амалға ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш.</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш.</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш.</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш.</li> </ul>

### “Кейс-стади” методининг ўзига хос хусусиятлари

- изланишга доир фаолиятнинг мавжуд бўлиши;
- жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш;
- индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иш шакллари интеграцияси;
- хилма-хил ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- муваффақиятга эришиш учун талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш.

**Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагилар саволлар бўйича фаолиятни қамраб олади:**

Ким? (Who?),  
 Қачон? (When?),  
 Қаерда? (Where?),  
 Нима учун? (Why?),  
 Қандай?/ Қанақа? (How?),  
 Нима? (натижа) (What?).

**Кейс.** 6-7-синф дарслигига янгидан киритилган бўлимлар бўйича ихтиёрий танланган битта мавзуси юзасидан кейс топшириғини тузинг;

Бу кейс асосида ўтиладиган дарсни лойиҳалаштиринг;

У бўйича тақдимот тайёрланг ва уни намойиш этинг.

### 3. “ФСМУ” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ методининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

**Намуна.** Замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш самарали натижа беради.

**Топшириқ.** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали билдиринг.

#### 4. “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод ўқувчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** 1. “Ҳаракатланувчи содда қурилмалар (монитор, роботлар)”.

2. “Рўзғоршунослик”.

3. “Электроника” тушунчаларини берилган жадвал асосида таҳлил қилинг.

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикрлар билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.



## 5. “Венн диаграммаси” методи

Венн диаграммаси – график кўринишда бўлиб, олинган натижаларни умумлаштириб, улардан бир бутун хулоса чиқаришга, икки ва ундан ортиқ предметларни (кўриниш, факт, тушунча) таққослаш, таҳлил қилиш ва ўрганишда қўлланилади. Диаграмма икки ва ундан ортиқ айланани кесишмасидан ҳосил бўлади.

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## 6. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

Кичик гуруҳларда ишлаш орқали ўрганиш – маълум муаммонинг ечимини топишга ва ўқувчилар фаоллигини оширишга қаратилган дарсдаги ижодий ҳамкорликдаги иш. Босқичлари: гуруҳларга бўлиш, муаммони гуруҳларда муҳокама қилиш, муаммонинг ечимлари тақдимоти, хулосалаш.

### Кичик гуруҳларни ҳамкорликда ўқитиш.

Бу ёндашувда кичик гуруҳлар 4-6 та ўқувчидан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзунини тушунтиради, сўнгра ўқувчиларнинг мустақил ишлари ташкил этилади. Ўқувчиларга берилган ўқув топшириқлари қисмларга ажратилиб, ҳар бир ўқувчи топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир ўқувчи ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сўнгра гуруҳ аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хулоса чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳ ахборотини тинглайди ва тест саволлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Ўқувчиларнинг кичик гуруҳлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил этилиши мумкин

### Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш.

Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи 1976 йили Тель-Авив университети профессори Ш.Шаран томонидан ишлаб чиқилган. Бу методда кўпроқ ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишига эътибор қаратилади.

Ўқувчилар алоҳида-алоҳида ёки 6 кишилик кичик гуруҳларда ижодий изланиш олиб борадилар. Ижодий изланиш кичик гуруҳларда ташкил этилганда дарсда ўрганиш лозим бўлган ўқув материали кичик қисмларга ажратилади. Кейин бу қисмлар юзасидан топшириқлар ҳар бир ўқувчига тақсимланади. Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчи умумий топшириқнинг бажарилишига ўз хиссасини қўшади. Кичик гуруҳларда топшириқ юзасидан мунозара ўтказилади. Гуруҳ аъзолари биргаликда маъруза тайёрлайди ва синф ўқувчилари ўртасида ўз ижодий изланишлари натижасини эълон қилади. Кичик гуруҳлар ўртасида ўтказилган ўқув баҳси, мунозара ўқувчилар жамоасининг ҳамкорликда бажарган мустақил фаолиятининг натижаси, якуни саналади. Ҳамкорликда ишлаш натижасида қўлга киритилган муваффақиятлар синф жамоасининг ҳар бир ўқувчининг мунтазам ва фаол ақлий меҳнат қилишига, кичик гуруҳларни, умуман синф жамоасини жипслаштиришга, аввал ўзлаштирилган билим, қўникма ва малакаларни янги қутилмаган вазиятларда қўлланиб, янги билимларнинг ўзлаштиришига боғлиқ бўлади.

### **7. “Муаммоли таълим” методи**

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда уларнинг интеллектуал имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш куйидаги умумий омилларга боғлиқ бўлади:

- ўрганилаётган мавзу юзасидан муаммоли саволлар тизими тузиш;
- қўйилган муаммоли саволлар тизими асосида суҳбат методи орқали тушунтириладиган мавзу материалларини ўргатиш ва унинг туб моҳиятини очиқ бериш;
- муаммоли савол асосида изланиш характеридаги ўқув вазифаларини қўйиш.

Юқоридаги босқичлар асосида ўқув материали тушунтирилганда ўқувчилар ўзлари дарров тушуниб етмайдиган факт ва тушунчаларга дуч келадилар. Натижада ўрганилаётган мавзу материали билан ўқувчилар орасида муаммоли вазият ҳосил бўлади.

Муаммоли вазиятнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш ўқувчиларнинг фаол фикрлашнинг психологик, педагогик қонуниятларини ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини қайта куриш муаммоли таълимнинг асосий ғоясини белгилаб беради. Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш асосида ҳосил қилинган дарс жараёни муаммоли таълим дейилади.

Муаммоли таълимда ўқитувчи фаолияти шундан иборатки, у зарур ҳолларда энг мураккаб тушунчалар мазмунни тушунтира бориб ўрганилаётган мавзу материали билан ўқувчилар орасидаги мунтазам равишда муаммоли вазиятлар вужудга келтирилади, ўқувчиларни фактлардан хабардор қилади, натижада ўқувчилар бу фактларни анализ қилиш асосида мустақил равишда хулоса чиқарадилар ва умумлаштирадилар.

### 8. “Ақлий хужум” методи

**Ақлий хужум** – тингловчиларни бир хил фикрлардан ҳолис қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган муаммоларга ечим топишдир.

Босқичлари:

- муаммоли вазиятни келтириб чиқариш;
- унинг ечимини топиш учун ўқувчиларни жалб қилиш;
- турли ечимлар тақдимотини эшитиш;
- ечимларни солиштириш ва танлаш, хулосалаш.

### 9. “Мустақил ишлаш” методи

**Мустақил ишлаш** – вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган, ўқувчиларнинг мустақил ўрганиш, дарслик билан ишлаш ва мустақил амалий фаолият билан шуғулланиш кўникмаларини шакллантирадиган, ҳар бир ўқувчига алоҳида ёки умумий тарзда ташкил қилинадиган топшириқни бажартириш; ўқувчиларнинг амалий фаолиятига аралашмай, ташқаридан тесқари алоқа-мулоқот ёрдамида йўналтириб бошқариш ва назорат қилиш.

### 10. “Баҳс-мунозара” методи

Метод қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқитувчи мунозара мавзусини танлайди ва ўқувчиларни мунозарага таклиф этади;
- ўқитувчи ўқувчиларга муаммо бўйича “Баҳс-мунозара” ўтказишга чорлайди ва уни ўтказиш тартибини белгилайди;
- ўқитувчи “Баҳс-мунозара” вақтида билдирилган турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу ишни бажариш учун ўқувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди ҳамда бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларга ўз фикрларини билдиришларига шароит яратиб беради;
- ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда, иккинчи босқичда “Баҳс-мунозара” давомида билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва уларни таҳлил қилади. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

### 11. “Тадқиқот” методи

Тадқиқот методи ўзлаштириш даражасининг энг юқори чўққиси ҳисобланади. Бу усул билан дарс ўтилганда ўқувчилар олган билимлари асосида ҳали ўрганилмаган кичик бир масала устида якка ёки биргалашиб изланиш олиб боришади, масала ечимига доир келтирилган тахминни излаб топилган далиллар асосида тўғри ёки нотўғрилигини текширишади ва исботлашади.

Босқичлари:

- дарсда ҳаммага қизиқиш уйғотадиган бирор объектнинг хоссасини аниқлаш ёки у ҳақидаги масалани қўйиш;
- уни ўрганиш, тадқиқ қилиш учун маълумотлар тўплаш;

- муаммо ёки масалани ечишга оид тахминлар, башоратлар қилиш;
- ҳар бир башоратнинг қанчалик тўғрилигини тўпланган маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва исботлаш;
- хулоса чиқариш;
- синф олдида тақдимот қилиш.

## **12. “Кластер” методи**

Кластер методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммолар (мавзу) хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

### **“Кластер” методидан фойдаланиш тавсифи:**

1-босқич. Ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фикрингизни сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай, уларни шунчаки ёзиб боринг.

2-босқич. Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг.

3-босқич. Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирор-бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги ғоя туғилгунга қадар давом эттиринг.

4-босқич. Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда мазкур ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Ғоялар йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.

## **13. “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



Тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчилар таништирилади, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатмалар берилади;



Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони апрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзади;



Ҳар бир гуруҳ ўз тақдимотини ўтказади, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади.

#### 14. “Мавжуд маълумотлар асосида истиқболни белгилаш” методи

Бу тарихий ва ҳозирги пайтда мавжуд бўлган маълумотлар асосида буюм, механизм ва машинани келгусида қандай кўринишда бўлишини тасаввур қилиш, қандай тамойиллар асосида ишлаши ва ишлатилишини аниқлашда қўл келади. Бунинг учун, масалан, қуйидаги кўринишлардаги жадваллардан фойдаланиш мумкин (бу метод Қўқон давлат педагогика институти доценти п.ф.н. Исмоилжон Каримов томонидан таклиф этилган):

Номи	Бор эди, бўлган эди (тарихий маълумот)	Ҳозир мавжуд	Келгусидаги ҳолати
Ручка	Чўп, пат, сиёхли ручкалар	Шарикли ручкалар	Электрон ручкалар
Соат	Механик, электрон	Механик, электрон	?
Телевизор	Лампали	Микросхемали	?
Компьютер монитори	Электрон нурли	Электрон нурли, плазмали	?
...	...	...	?

### 15. “Агар мен ...” методи

Бу метод орқали ўқувчилардан маълум бир касб кишиси сифатида шу соҳага оид муаммоларни қандай бартараф этиши мумкинлиги ҳақида ўз фикрларини билдиришлари сўралади. Масалан, “Агар мен автоконструктор бўлганимда ... машинани яратган бўлар эдим” (Агар мен автоконструктор бўлганимда тоғларда ҳам юра оладиган машинани яратар эдим. Бунинг учун машинага вертолётни ҳаракатлантирадиган тизимни қўллар эдим). “Агар мен авиаконструктор бўлганимда ... самолётни яратар эдим” ва ҳ.к.



Бу методнинг энг афзал томони шундаки, бунда ўқувчиларнинг ҳаёлот (фантазия), таққослаш, тасаввур қилиш қобилиятлари тез ривожланади.

### 16. “Инсерт” методи

Инсерт – бу ўқув жараёнида ўзини англашни фаол кузатиш учун ўқувчиларга имконият берадиган кучли воситадир, чунки шундай ҳоллар борки, одам матнни охиригача ўқиб, у ерда нима ёзилганлигини эслаб қололмаслиги мумкин. Бу эса нима ўқиётганини тушунмай, ўқиш жараёнида фаол бўлишга қатнашмайдиган ва ўз англашини кузатмайдиган ҳолларнинг мисолидир.

Инсерт – бу матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб-қувватлаш учун кучли воситадир.



## Инсерт жадвали

v	+	-	?

8

### 17. “Нима учун” методи

1. Айлана ёки тўғри тўртбурчак шакллардан фойдаланишни ўзингиз танлайсиз.
2. Чизманинг кўринишини – мулоҳазалар занжирини тўғри чизиклими, тўғри чизикли эмаслигини ўзингиз танлайсиз.
3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидирувларингизни яъни дастлабки ҳолатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгилайди.

## “Нима учун” схемаси

### “Нима учун” схемаси


– муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири. Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

“Нима учун” схемасини тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида, кичик гуруҳларда муаммони ифодалядилар. “Нима учун” сўроғини берадилар ва чизадилар, шу саволга жавоб ёзадилар. Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом этади.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, такослайдилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти


### “Нима учун” методи чизмаси



### 18. “Зинама-зина” методи


“Зинама-зина” методи – ўйин тарзида ташкил этишга мўлжалланган бўлиб, берилган топшириқлар асосида маррага ким биринчи чиқишдан иборат ҳисобланади.

Қуйида унинг схематик тузилиши келтирилган бўлиб, мавзуга оид саволлар кетма-кетлиги асосида оддийдан мураккабга қараб тузилади.





### “Зинама-зина” босқичлари







 “Ким тез!”	
 “Ким чаккон!”	
 “Биз голиб!”	

#### 19. “САН” (учлик – самарали, ахлоқий, назокатли) методи

САН методининг мақсади – ўқувчи (ёки тингловчи)ларда якка, жамоавий гуруҳ билан ишлаш, ижодий ва ташкилотчилик кўникмаларини, ишга масъулият билан ёндашувни шакллантириш, безаш ишлари кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Ўқувчи (ёки тингловчи)лар дарс мавзусига оид топшириқ мазмунидан келиб чиққан гуруҳларга бўлинадилар ва уларга гуруҳ номлари берилади. Топшириқ мазмуни ва кетма-кетлиги тушунтирилади.



Гуруҳнинг жойлашуви	
Айлана бўйлаб саволлар	
Катта айлана (айлана атрофида стуллар). Катта айлана (камроқ тайёргарлик кўрганлар). Кичик айлана (кўпроқ тайёргарлик кўрганлар).	
Гуруҳларда ишлаш, арча шаклидаги парталар	
“Жонли чизиқча” Экспертлар	
Дебатлар	
Гуруҳларда ишлаш	

## Таълим методларини самарали қўллаш меъзонлари

<b>Методлар</b>	<b>Қайси вазифаларни ечишда бу метод самаралироқ?</b>	<b>Қандай ўқув материали мазмуни учун бу метод қулай?</b>	<b>Ўқувчиларнинг қандай хусусиятлари учун бу методни қўллаш фойдали?</b>	<b>Бу методни қўллаш учун ўқитувчи қандай хислатларга эга бўлиши керак?</b>
<b>Оғзаки баён методи</b>	Назарий билимларни шакллантириш учун	Ўқув материали асосан назарий ва ахборот кўринишида бўлган ҳолда	Ўқувчилар ўқув материалнинг оғзаки баёнини ўзлаштиришга тайёр бўлганда	Ўқитувчи бу методни бошқа методлардан кўра яхшироқ эгаллаган ҳолатда
<b>Кўрғазмали метод</b>	Ўқувчиларда кузатувчанликни ривожлантириш ва ўрганиладиган масалаларга бўлган диққатни ошириш учун	Ўқув материали мазмунини кўрғазмали воситалар билан гавдалантириш мумкин бўлган ҳолатларда	Ўқувчилар учун кўрғазмали воситалар етарли бўлганда	Ўқитувчи қўл остида барча кўрғазмали воситалар етарли бўлганда ёки уларни ўзи мустақил тайёрлай олганида
<b>Репродуктив (ўзлаштирилган билимларни қайта баён қилиш)</b>	Билим ва кўникмаларни шакллантириш учун	Ўқув материали мазмуни ёки ўта мураккаб ёки жуда содда бўлган ҳолда	Ўқувчилар бу мавзунини муаммоли қилиб ўрганишга ҳали тайёр эмас	Ўқитувчининг бу мавзунини муаммоли қилиб ўргатишга вақти йўқ бўлган ҳолда
<b>Тадқиқот изланиш</b>	Мустақил фикрлаш, тадқиқот олиб бориш ва масалага ижодий ёндашув кўникмаларини ривожлантириш учун	Ўқув материали мазмуни ўртача мураккабликда бўлганда	Ўқувчилар мазкур мавзунини муаммоли тарзда ўрганишга тайёр бўлган ҳолларда	Ўқитувчи изланиш методини яхши эгаллаган ва мавзунини муаммоли ўрганиш учун етарли вақтга эга бўлганда

<b>Методлар</b>	<b>Қайси вазифаларни ечишда бу метод самаралироқ?</b>	<b>Қандай ўқув материали мазмуни учун бу метод қулай?</b>	<b>Ўқувчиларнинг қандай хусусиятлари учун бу методни қўллаш фойдали?</b>	<b>Бу методни қўллаш учун ўқитувчи қандай ҳислатларга эга бўлиши керак?</b>
<b>Амалий</b>	Амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун	Ўқув материали мазмуни амалий машқлар, тажриба ўтказиш ва турли амалий фаолиятли топшириқларни бажаришни талаб қилса	Ўқувчилар мазкур мавзу бўйича амалий топшириқларни бажаришга тайёр бўлса	Ўқитувчи амалий машғулотларни ўтказиш учун етарлича ўқув ва дидактик материаллар, машқлар тўплами ва ўқув қўлланмаларига эга бўлса
<b>Мустақил ишлаш методлари</b>	Ўқув фаолиятида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш учун	Ўқув материали мустақил ўрганиш учун имкониятини берса	Ўқувчилар мазкур мавзу бўйича мустақил ишлашга тайёр бўлса	Ўқитувчи мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича етарлича ўқув ва дидактик материаллар эга бўлса
<b>Индуктив</b>	Умумлаштириш ва индуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун	Ўқув материали дарсликда индуктив тарзда берилгвн ёки уни индуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда	Ўқувчилар индуктив хулоса чиқаришни яхши билиб, дедуктив хулоса чиқаришга қийналаётган бўлсалар	Ўқитувчи таълимнинг индуктив методларидан яхши хабардор бўлса
<b>Дедуктив</b>	Таҳлил қилиш ва дедуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун	Ўқув материали дарсликда дедуктив тарзда берилгвн ёки уни дедуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда	Ўқувчилар дедуктив фикр юритиш ва хулоса чиқаришга тайёр бўлсалар	Ўқитувчи таълимнинг дедуктив методларидан яхши хабардор бўлса



**НАЗАРИЙ МАШЁУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

## 1-мавзу: Технология фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар (2 соат маъруза)

### Режа:

1. Фан, техника ва технологиянинг жадал ривожланиши шароитида ўқитиш тизимига қўйиладиган талаблар.
2. Ривожланган давлатларда технология фанини ташкил этилиши ҳамда ривожланиш
  - а) Америка Қўшма Штатлари таълим тизими.
  - б) Германия таълим тизими.
  - в) Франция таълим тизими.
  - г) Япония таълим тизими.
  - д) Жанубий Корея таълим тизими

**Таянч иборалар:** фан, техника ва технология, таълим тизими, ривожланиш босқичлари, талаб, тажриба, замонавий ёндашув, инновация, индивидуал қобилият, касб-хунар таълими, касб-хунар мактаблари, касб-хунар таълими ўқувчилари, дуал тизими, касб, муассаса, умумтаълим фанлар, касбий фанлар.

### 1. Фан, техника ва технологиянинг жадал ривожланиши шароитида ўқитиш тизимига қўйиладиган талаблар

Замонавий ёндашув ва инновациялар асосида ўқитиш тизимининг вазифаси ўқувчининг индивидуал қобилиятини ҳисобга олиш ва ривожлаништиришдан иборат бўлиши керак.

Илмий-техник тараққиёт жадаллашуви шароитида унинг юксалиб боровчи талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқитишни жадаллаштириш, ўқитишда инсон организмнинг, унинг онгини бутун имкониятларидан тўла фойдаланиш зарур бўлади. Бу эса, ўқитиш жараёнида ахборотлар беришда, ўқув материални тизимлаш ва туркумлаш усуллари, ўқитишни компьютерлаш, ўқув телевидениясидан фойдаланиш ва ҳ.к.ни англатади.

Илмий-техник тараққиёти жадаллашуви шароитида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар илмталаб, оригиналлиги, мураккаблиги, юқори сифати ва сермаҳсуллиги билан ажралиб туради. Машина ва жиҳозлар унумдорлиги, улар пухталигининг кўп маротаба ошганлиги туфайли маҳсулот бирлигига сарф қилинадиган энергия ҳам бир неча маротаба камаяди. Бу шароитлар кадрлар тайёрлаш тизимига тегишли талабларни қўя бошлайди (1-слайд).



## 2. Ривожланган давлатларда технология фанини ташкил этилиши ҳамда ривожланиши

### а) Америка Қўшма Штатлари таълим тизими

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)да таълим тизимининг тузилиши қуйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;

- 1-8-синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);

- 9-12-синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Ўқув йили 180 кунни ташкил қилади.

Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлардир. АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа тасарруфида, хусусий ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин. Америкада 3 ёшгача бўлган болалар тарбияси билан оналар шуғулланадилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. 5 ёшдан эса “Kinder garten” деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13-15 ёшгача бўлган “Middle school” болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади.

Синфдан-синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Мактабларда технология фанига оид турли хил тўғараклар, учрашувлар, шоулар ва саёҳатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар қуйи ва юқори босқичлардан иборат. 9-синфни битирган ўқувчилар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. Ўрта мактабларда тўрт йўналишда касб-хунар асослари бериб борилади (1-слайд).

2-слайд



Олий таълим 4 асосий босқичда амалга оширилади.

1. Кичик мутахассис (2 йиллик коллежларда амалга оширилади).
2. Бакалавр (4 йиллик коллежларда амалга оширилади).

Тўрт йиллик коллеж ёки дорилфунунни тугатган 3-босқични давом эттириши мумкин. Бу 1-2 йиллик магистр мактаби. 4-босқич эса докторантура. Олий таълимда икки йўналиш мавжуд: 1-таълимни индивидуаллаштириш; 2-талабанинг мустақил ишлашини амалга ошириш. Бунда ўқитувчи йўналтирувчи ролини ўйнайди. Асосий мақсад талаба интеллектини машқ қилдириш ва мантикий фикрлашга ўргатишдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ўрта мактабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касб-хунар, умумий йўналишларда билим беради. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда: қишлоқ хўжалиги, бизнес таълими, савдо ва саноат курилиши бўйича хунар, касб-кор асослари ўргатилади. АҚШда ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади.



### б) Германия таълим тизими

Германия таълим тизими ҳудудлар бўйича турлича шаклланган ва 4 босқичдан иборат бўлиб, унинг 2-босқичи 2 турга бўлинади (3-слайд).

Баъзи федерал ерларда ҳозирги кунгача мактабгача таълим тизими 4 босқичли таълим тизимига крмайди. Таълим тизими болалар боғчаси ва мактабгача бўлган даврдан кейин мажбурий бошланғич таълим билан бошланади.

3-слайд

Германия таълим тизими тузилмаси					Таълим босқичлари
Малака ошириш					Тўртинчи босқич
Касбий малака ошириш Касбий академиялар					Учинчи босқич
Олий ўқув юрлари					
19	Дуал тизими (корхона ва касб-хунар мактаби)			Касбий мактаблар	Иккинчи босқич II
18				Гимназиянинг юқори синфлари	
16	Махсус асосий мактаблар	Реал мактаблар	Бирлаш-тирилган мактаблар	Гимназиялар	Иккинчи босқич I
15	Махсус мактаблар				
14	Асосий мактаблар				
13	Мактаблар				
12	Йўналтириш босқичлари				Биринчи босқич
11	Бошланғич мактаблар				
10					
9					Биринчи босқич
8					
7					Элементар босқич
6					
5	Махсус болалар боғчаси	Болалар боғчалари (ихтиёрий)			
4	болалар боғчаси				
3					

**Биринчи босқич (Primarbereich)** – бошланғич мактабдаги (ёки қушимча кўмак берувчи мактабдаги) 4 йиллик даврни қамраб олади. Баъзи федерал ерларда 6 йиллик бошланғич мактаблар ҳам мавжуд.

Мактаб турига боғлиқ бўлмаган йўналтириш босқичлари, яъни 5- ва 6-синфлар **иккинчи босқич - I (Sekundarbereich I)** саналади.

**Иккинчи босқич - I (Sekundarbereich I)** – асосий мактаб аттестати ёки реал мактаб аттестатини олишгача ёки гимназиянинг юқори синфигача бўлган даврни қамраб олади ва асосий мактаб, реал мактаб ва гимназия ёки битта бирлаштирилган мактабларда амалга оширилади.

**Иккинчи босқич - II (Sekundarbereich II)** – иккинчи босқич - I дан кейин бошланади, у гимназиянинг юқори синфлари ёки касб-хунар мактабларини қамраб олади. Қисқартирилган гимназияларда 10-синф иккинчи босқич - II нинг бир қисми ҳисобланади.

**Учинчи босқич (Tertiärbereich)** – олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини олиш билан бошланади ва олий ўқув юртлари ҳамда касбий академияларда амалга оширилади.

**Тўртинчи босқич (Quartärbereich)** – касб-ҳунар таълимидан кейинги хусусий ва касбий малака ошириш (мисол учун: касбий тайёргарлик курсларини ўтказадиган муассасалар ва халқ университетлари).

Германия таълим тизими фуқароларнинг бутун умри давомида ўқиши учун имкониятлар яратади.

### **Касб-ҳунар мактаблари.**

Германияда қуйидаги шаклдаги касб-ҳунар мактаблари мавжуд ва уларнинг ҳар бири специфик вазифаларни бажаради:

- Касб-ҳунар таълимига тайёрловчи ўқув йили
- Касб-ҳунар таълимнинг асосий ўқув йили
- Касб-ҳунар мактаблари
- Ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаблари
- Техникумлар
- Юқори поғонали махсус мактаблар
- Касбий гимназия
- Коллежлар



1-расм. Дрезден шаҳридаги касб-ҳунар мактабидаги ўқув жараёни

Германияда тўлиқ ўқув ҳафталик мактабига бориш мажбурияти 18 ёшгача ҳисобланади, унгача ҳамма ёшлар бирон бир мактабга бориши лозим. Шунинг учун асосий мактабни битиргандан сўнг, касб-ҳунар таълимини бошламаган ўқувчилар учун касб-ҳунар таълимнинг асосий ўқув йили (BGL) ташкил этилган ва унда ўқувчилар танлаган касб соҳасидаги асосий малакаларни ўзлаштирадilar. Асосий мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳномани олмаган ўқувчилар касб-ҳунар таълимига тайёрловчи ўқув йили (BVJ)да касб-ҳунар таълими

ҳақидаги гувоҳномани олишлари мумкин (1-расм).

Классик касб-ҳунар мактаблари дуал таълимнинг бир қисми ҳисобланади ва улар касб-ҳунар таълими берувчи корхонада давлат томонидан тан олинган касб бўйича таълим олаётган ўқувчиларга махсус фаннинг назарий ва умумий таълимини беради. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаблари мавжуд бўлиб, уларда ҳам дуал таълим бўйича касбий таълимни ҳамда мактаб касб-ҳунар таълимини битириш мумкин.

Ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаби тўлиқ ҳафталик мактаб ҳисобланади ва мактабга минимал 1 йил давомида борилади. Мактабга касб-ҳунар таълимига тайёрловчи тўлиқ ҳафталик мактабга бориш мажбуриятини бажариш учун ихтиёрий борилади. Мактабда ўқиш якуний имтиҳон билан тугатилади. Икки йил давомида мазкур мактабда ўқиш орқали реал мактабни битирганлик ҳақида гувоҳномага тенглаштирилган ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактабини битирганлик ҳақида гувоҳномани олиш мумкин. Битирувчилар гувоҳномани давлат томонидан тан олинган дуал касб бўйича олишлари мумкин.

Техникумга тугатилган касб-ҳунар таълими ва амалий касбий тажрибадан кейинги, қисман кўп йиллик амалий касбий тажриба ёки касбга оид иқтидорни тасдиқловчи маълумотномага биноан ихтиёрий борилади. Техникумлар кейинги махсус касб-ҳунар таълимни (мисол учун: ишлаб чиқариш корхонадаги усталарни тайёрлаш мактаблари, техникларни тайёрлаш мактаблари) беради. Техникумда ўқиш муддати тўлиқ ҳафталик мактаб асосида ярим йилдан 3 йилгача, тўлиқ ҳафталик бўлмаган мактаб асосида эса 6-8 йил давом этади.

Юқори поғонали махсус мактаб реал мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома ёки шунга тенглаштирилган гувоҳномага эга бўлган ёшларни ўқитиш учун мўлжалланган. Юқори поғонали махсус мактаб(FOS)да ўқиш учун умумий ўрта мактаб таълимни битирганлик ҳақида гувоҳномага эга бўлиш лозим ва тўлиқ ўқув ҳафталик икки йиллик таълимдан сўнг юқори поғонали махсус мактабни битирганлик ҳақида гувоҳномани олиш мумкин. Мактабда ўқиш муддати тўлиқ ҳафталик мактаб асосида 1 йил, тўлиқ ҳафталик бўлмаган мактаб асосида 3 йилгача давом этади. Мазкур мактабни битирганлик ҳақидаги гувоҳнома олий техника ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради.

Баъзи федерал ерларда юқори поғонали махсус мактабда ўқиш орқали бирор бир касбга боғланган олий ўқув юртларига кириш ҳақида гувоҳнома ёки умумий олий ўқув юртларига кириш ҳақида гувоҳномани олиш мумкин. Шимолий Рейн-Вестфалия ва Бавария ерларда юқори поғонали махсус мактабига тенглаштирилган юқори поғонали касб-ҳунар мактаби мавжуд ва мактаб турининг давомийлиги ҳамда у берадиган гувоҳномага қараб барча турдаги олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ҳам олиш мумкин. Юқори поғонали касб-ҳунар мактабида ўқиш учун реал мактабни битирганлиги ҳақида гувоҳнома каби касб-ҳунар таълими битирганлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади ва у юқори поғонали касб-ҳунар мактаби томонидан аниқланган асосий ўқув соҳаларга мос келиши лозим.

Касб-ҳунар таълими ичида касбий гимназия алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда бирор бир касб соҳасига қаратилган гимназиянинг юқори синфлари ҳақида гап кетмоқда ва мисол учун: техника гимназияси, иқтисодий гимназия, озиқ-овқат фанлари бўйича гимназия, биотехнология гимназияси деб номланади. Касбий гимназиялар гимназиянинг юқори синфлари каби умумий олий ўқув юртларига кириш бўйича гувоҳномани беради.

Касбга йўналтирилган гимназиялар реал мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома ёки шунга тенглаштирилган гувоҳнома асосида билим берадиган таълим муаассасасидир. Касбга йўналтирилган гимназиялар 3 йил (11-13 синфлар)лик ўқув йилидан сўнг, барча олий ўқув юртларида ўқиш учун малакага эга бўлганлиги ҳақида гувоҳнома (умумий олий ўқув юртларига кириш ҳақида гувоҳнома) беради.

Коллежларда бирор бир касб соҳасига қаратилган гимназиянинг юқори синфларига ўхшаш умумий ўрта таълимга тенглаштирилган касб-ҳунар таълимини беради. Коллежларда ҳам техника, иқтисод ва ижтимоий соҳалар мавжуд. Коллежлар касб-ҳунар таълимини битирганлик ҳақида гувоҳнома (малакали мутахассис ва техник ўртасида) ва умумий олий ўқув юртларига кириш бўйича гувоҳнома беради.

### Германия касб-ҳунар таълимининг дуал тизими.

Германияда касб-ҳунар таълими дуал тизимга асосан ташкил этилган (4-слайд). “Дуал” тушунчаси иккилик деган маънони билдиради ва унинг асосий элементидан бири корхона бўлса, иккинчиси касб-ҳунар мактаби ҳисобланади. Корхона ва касб-ҳунар мактаби ҳамкорликда касб-ҳунар таълими жараёнини таъминлайди. Корхона ва касб-ҳунар мактаби ўрнашган жойи ва ишлаш вақти турли хил бўлсада, бир-бири билан ҳамкорлик қилади.

4-слайд



Дуал тизим, ҳатто ўзини оқлаган бўлса ҳам, уни камдан кам мамлакатларда учратиш мумкин. У касб-ҳунар таълимининг бир неча ўқитиш жойлари (касб-ҳунар мактаби ва касб-ҳунар таълими берувчи корхоналар)га бўлинганлиги билан характерланади ва баъзида корхоналараро ўқув марказига юборилади. Касб-ҳунар мактаби махсус назарий ва умумий таълимни беради. Улар аниқ бирор бир касбга боғлиқ фанларни, умумий касбий фанларни ёки сиёсий ва умумтаълим фанларни ўқитади. Таълим, дин ва маданият ишлари вазирлари кенгашида тасдиқланган намунавий ўқув режага асосланган ҳолда ҳар бир касб-ҳунар мактаби ўзининг ўқув режасини ишлаб чиқади. Ишлаб чиқариш корхонасида, яъни иш жойидаги таълим амалий касб-ҳунар таълимни беради. “Касб-ҳунар таълими тўғрисидаги Низом”да белгилаб берилгандек, корхона ўз вақтини режалаштиришни, ўқитиш жойини ва ўқитиш методини эркин танлайди. Корхоналараро ва корхона ичидаги ўқув марказда қисман таълим курслари ўтказилади (2-расм).



**2-расм. Гамбург шаҳридаги “БЛОМ + ФОСС ГМБХ” фирмасидаги касбий таълим маркази устахонасида**

Одатда корхона ва касб-ҳунар мактабининг вазифалари куйидагича тақсимланган: корхона амалий кўникмаларни ўргатишга, касб-ҳунар мактаби эса назарий билимларни беришга масъул. Реал ҳаётда корхона назарий машғулотларни ҳам ўтказди, касб-ҳунар мактабида эса назарий машғулотларга

кўшимча равишда амалий машғулотлар ҳам ўтказилади. Бундан келиб чиқиш айтиш мумкинки, дуал тизимида бир-бирини такрорлаш ўрнига, бир-бирини тўлдириб бориш жуда муҳимдир.

Касб-ҳунар мактабда ўқувчилар танлаган касби бўйича зарур назарий билимларни олади. Бундан ташқари касб-ҳунар мактаби амалий машғулотларни тўлдириб боради. Мисол учун: мактабнинг ўқув устахонасида автомобилнинг тузилишини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, касб-ҳунар мактаби немис тили, сиёсатшунослик, диншунослик ва жисмоний маданият каби умумтаълим фанларни ўқитади. Кўпгина касбларни эгаллаш учун инглиз тили ҳам ўқитилади.

Корхона ва касб-ҳунар мактаби ўртасидаги ҳамкорликдан бир мисол келтирсак. Корхонанинг устахонасида ўқувчи “Форд” ва “Фольксваген” автомобиль моделлари асосий қисмларининг тузилиши ва вазифасини ўрганади. Касб-ҳунар мактабда ўқувчи автомобилнинг эҳтиёт қисмларини алмаштириш бўйича назарий билимларни ўрганади ва бўлажак меҳнат фаолиятида бошқа фирма автомобиллари моделларининг эҳтиёт қисмларини ҳам алмаштира олиши керак.

Ўқувчи назарий машғулотларда нимани ўрганса, шуни амалий машғулотларда қўллай олиши лозим. Ўқувчи автомобил асосий қисмларини кўриши етарли эмас, балки уни ўрната олишни ҳам билиши керак. Бундан ташқари ўқувчи ўрганган билим ва кўникмаларини шунга ўхшаш вазифа ва машқларда ҳам қўллай олиши лозим.

Дуал тизими асосан қуйидаги жойларда:

- корхонада;
- давлат ташкилотларида, шунингдек давлат бошқармаларида ва идораларида;
- эркин касблар бўйича муассасаларда (мисол учун: шифохоналарда, адвокатлар идорасида, архитектура бўлимларида);
- таълим муассасаларида ва махсус мактабларда, шунингдек, ишлаб чиқариш таълим усталарини тайёрлаш мактабларида, ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактабларида ўтказилади.

Германияда касб-ҳунар таълим тизими асосан ўқувчиларнинг корхонадаги касбий фаолияти билан бошланади. Германияда давлат томонидан тан олинган **350 та касблар** бўйича корхоналарда ўқувчиларга касб-ҳунар таълими берилади.

Германияда одатда кўпчилик ёшлар мактабни битиргандан сўнг, касб-ҳунар таълими олади.

Касб-ҳунар таълимининг **асосий мақсадлари** қуйидагилар ҳисобланади:

- ўқувчи танлаган касбининг асосларини ўрганиши;
- ўқувчи касбий фаолиятига зарур бўлган муайян билим ва кўникмаларни ўзлаштириши;
- ўқувчи ўз касбий фаолиятда ишлаш лаёқатига эга бўлиши;
- ўқувчи таълим олиш давомида иш тажрибаларини тўплаши.

Касб-хунар таълими якунида ўқувчи масъул органлар (одатда савдо ва саноат палатаси, хунармандчилик палатаси) томонидан имтиҳон қилинади. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчилар касб-хунар таълимини битирганлик ҳақида гувоҳнома олади. Гувоҳнома ўқувчига эгаллаган касбий билим ва кўникмалари бўйича иш жойи топиб, ишлаш имкониятини беради. Корхоналар ўқувчига берилган гувоҳномадан унинг керакли билим ва кўникмаларни эгаллаганини билиб олиши мумкин.



3-расм. Грос-Герау шаҳридаги касб-хунар мактабдаги ўқув жараёни (сартарошлик йўналиши бўйича)

Касб-хунар мактаби тўлиқсиз ўқув ҳафталик мажбурий давлат ўқув муассасаси ҳисобланади. Касб-хунар мактабига бориш федерал ерларда турли-хил тартибга солинган. Шимолий Рейн-Вестфалия ерида 21 ёшгача бўлган ўқувчилар касб-хунар таълимида ўқишни бошласа, касб-хунар мактабга бориши мажбурий ҳисобланади. Ушбу мажбурият касб-хунар таълимини битиргунгача давом этади. Ўқувчи 21 ёшга тўлиб, касб-хунар таълимида ўқишни бошлаган бўлса, касб-хунар мактабга бориш ҳуқуқи ўзида сақланиб қолади. Корхона

ўқувчиларни касб-хунар мактабга борганини қайд қилиб боришга мажбур. Уларни мактабга бориши учун барча ишлардан озод қилади (3-расм).

Касб-хунар мактабида дарс жадвали белгиланган тартибда ишлаб чиқилади. Ўқувчилар мактабга ҳафтада бир кундан икки кунгача келади. Баъзи касб-хунар мактабларда блок дарслари ўтилади ва блок дарслар бир неча ҳафта давомида ўтилиши мумкин. Касб-хунар мактабда ўқиш давомида ўқувчилар ўй вазифаларини ҳар кунлик корхона ва касб-хунар мактабга боришдан ташқари вақтларда бажариши лозим.

Касб-хунар мактабига битта касб бўйича етарли миқдорда ўқувчилар келса, касб бўйича синф ташкил этилади. Битта касб бўйича етарли миқдорда ўқувчилар келмаса, ўхшаш касбларни бирлаштириб синф ташкил этилади. Айрим ҳолларда битта синфда турли хил касблар бўйича йиғилган ўқувчилар таълим олади. Кам учрайдиган касблар бўйича битта ер ёки иккита ерлар дажасида битта синф ташкил этилади. Бундай ҳолларда ўқувчилар махсус белгиланган касб-хунар мактабларга блок дарсларини ўқиш учун келади. Корхона кўп миқдорда ўқувчиларни ўқитса, бундай корхоналар ўқувчилари учун алоҳида синфлар ташкил этилади.

### Касб-хунар мактабидаги таълим мазмуни (5-слайд).

Касб-хунар мактаблари ва касб-хунар таълими берувчи корхоналар таълим бўйича умумий вазифаларни бажаради. Касб-хунар мактаблари мустақил ўқув юрти ҳисобланади ва касб-хунар таълимидаги бошқа қатнашувчилар билан тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида ҳамкорликда ишлайди. Касб-хунар мактаблари касб-хунар таълими талабларини кўзда тутган ҳолда ўқувчиларга касбий ва умумтаълим фанларини ўргатиши лозим. Бундан ташқари касб-хунар мактаблари ерларнинг ҳуқуқий қонун-қоидаларига асосан касбий малака ошириш каби қўшимча вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

5-слайд



Касб-хунар мактаблари тўғрисидаги умумий (доиравий) келишувга (Таълим, дин ва маданият ишлари вазирлари кенгашининг 14/15.3.1991 йилдаги қарори) кўра дарсларнинг учдан икки қисми касбга боғланган ва учдан бир қисми умумтаълим фанлари бўйича тақсимланиши лозим. Жами дарслар камида 12 ҳафтани қамраб олади. Дарсларнинг касбга боғланган қисми Таълим, дин ва маданият ишлари вазирлари кенгаши томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режаларига асосан ишлаб чиқилади. Намунавий ўқув режалар федерал ва ерлар ўртасида тегишли “Касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом”ларга мувофиқ равишда келишилган ҳолда амалга оширилади. Янги намунавий ўқув режалар



ўқув соҳаларига қараб бўлинади. Ўқув соҳалари бирор бир касбнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб белгиланган мавзулар ҳисобланади. Ушбу янги концепция касб-ҳунар мактабида ўтиладиган мавзулар ва корхоналардаги ўқув жараёни билан боғланган мажмуавий вазифаларни бажаришга йўналтирилган. Умумтаълим фанларига жамиятшунослик, иқтисод, немис тили, чет тили, диншунослик ва жисмоний тарбия дарслари киради ва улар касбга боғланган ҳолда ўтилади.

### **Касб-ҳунар таълими ўқувчилари.**

Германия корхонасида бирор бир касб бўйича касб-ҳунар таълими бўйича таълим олувчи шахс – ўқувчи ҳисобланади. Авваллари ўқувчига нисбатан “шогирд” сўзи ишлатилган ва бу сўз ҳозирги кунда фақат ҳунармандчилик соҳасида ишлатилади. Одатда умумий ўрта мактаб битирувчилари касб-ҳунар таълимида таълим олиш учун таълим жойини танлашдан бошлайди ва шу пайтда уларнинг ёши 16 ёшдан 19 ёшгача бўлади. Баъзи ёшлар касб-ҳунар таълимида таълим олишга кечроқ қарор қабул қилади, шунинг учун 20 ёшга тўлган ёшларни ўқувчиликка номзодларни танлаб олиш жараёнида учратиш ҳоллари ҳам бўлган. Корхоналар асосан ўқувчиларни уларнинг гувоҳномасидаги баҳоларга қараб танлаб олади, лекин бўлажак ўқувчининг баҳолари паст бўлса ҳам, корхоналар унга таълим олиш имкониятини бериши лозим. Бундай ҳолларда корхоналар танлов суҳбати давомида ўқувчининг қизиқишлари, иқтидори борлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Ҳар доим ўқувчидан ўқув жараёнида фаол қатнашиш талаб этилади. Ўқувчи касб-ҳунар таълимини муваффақиятли битириши учун зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиши керак. Ўқувчи ўқув жараёнига боғлиқ бўлмаган ишларни ёки жисмоний имкониятларидан ортиқ бўлган ишларни бажаришдан бош тортиши мумкин. Мисол учун, иш юритувчи нусха кўчириш аппарати билан ишлаш бўйича кўникмаларни эгаллаши лозим, лекин у кун бўйи ҳужжатлардан нусха кўчириш билан банд бўлмаслиги керак.

Ўқувчи учун ўқув жараёни давомида қуйидаги ишларни бажариши мажбурий ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш таълим усталари томонидан берилган касб-ҳунар таълимига боғлиқ бўлган бўйруқларни бажариш;
- касб-ҳунар мактабида ва корхоналараро ўқув марказида ўтказиладиган дарсларда қатнашиш;
- ҳисобот дафтарларини мунтазам тўлдириб бориш ва уларда ўқув жараёнининг ҳар бир босқични ёзиб бориш;
- корхонанинг ишлаб чиқариш сирларини ошкор қилишдан сақланиш ва рақобатдан огоҳ бўлиш.

### **Ўқувчиларни қабул қилиш тартиби.**

Корхона эгаси ўқувчилар (ўқувчиликка номзод)ни қабул қилишдан олдин қуйидагилар ҳақида аниқ қарор қабул қилиши лозим:

- Ўқувчи қандай гувоҳномага эга бўлиши керак?
- Қайси фанлар бўйича яхши баҳоларга эга бўлиши лозим?
- Ўқувчи бўлажак касби учун қандай хусусиятларга эга бўлиши муҳим (мисол учун, ҳунармандчилик касби бўйича маҳорат)?

Корхоналар ўқувчиликка номзодларни топиш учун бандлик агентлиги ёрдамига мурожаат қилиши ёки газетада эълон бериши мумкин. Корхона эълон беришдан олдин ўқувчиликка номзодларга қандай талаблар қўйилишини аниқ белгилаб олиши лозим.

Корхона номзодларнинг касб-ҳунар таълими жойига бўлган биринчи муносабатини юборилган ҳужжатлар папкасидан билиб олади. Ҳужжатлар папкаси номзоднинг таржимаи ҳоли, аризасининг қисқача мазмуни, мактабни битирганлик ҳақида гувоҳнома, бошқа гувоҳнома ва маълумотлардан иборат. Номзодларнинг ҳужжатлар папкаси сони кўпайиб кетган тақдирда, корхона дастлабки танловни ўтказиши мумкин. Улар одатда номзодлар билан суҳбат ёки қўшимча танлов тестини ўтказиши мумкин.

Одатда номзодлар билан суҳбат давомида корхонанинг эгаси, ишлаб чиқариш таълим устаси, катта фирмаларда кадрлар бўлими бошлиғи ва касб-ҳунар таълимига масъул бўлим бошлиғи қатнашади. Бундай суҳбатларни ўтказиш учун корхона олдиндан тайёргарлик кўриши лозим. Иш берувчи номзодларни яқиндан билиб олиши учун қандай саволларни беришни ўйлаб олиши керак.


Кўпинча улар қуйидаги саволларни номзодлар билан ўтказиладиган суҳбатда беради:

- Нима учун бу касбни танладингиз?
- Нима учун бизнинг корхонада таълим олишни хоҳлайсиз?
- Сиз 5 йилдан кейин бўлажак меҳнат фаолиятингизни қандай тасаввур қиласиз?


Суҳбат давомида номзодлар ҳам саволлар бериши мумкин. Суҳбат натижаси номзод ҳақидаги фикрлардан келиб чиқилади ва шу тариқа ҳамкорликда самарали танлов ўтказилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги 6-9-слайдларда касб-ҳунар таълимидаги ўқувчиларнинг мактаб таълими, ўқувчиларнинг таълим соҳаларга қараб тақсимланиши, ўғил ва қиз болалар энг кўп эгаллайдиган 10 та касблар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Касб-ҳунар таълимидаги ўқувчиларнинг мактаб таълими



Ўқувчиларнинг таълим соҳаларга қараб тақсимланиши



## Ўғил болалар энг кўп эгаллайдиган 10 та касблар

Автомеханик	22.980	6,5%
Бўёкчи ва локловчи (пардозловчи)	15.818	4,5%
Электромонтёр	13.694	3,9%
Дурадгор	13.648	3,9%
Чакана савдо бўйича мутахассис	13.337	3,8%
Ошпаз	11.552	3,3%
Улгуржи ва ташки савдо бўйича мутухассис	10.241	2,9%
Металларга қайта ишлов б.б.мутахассис	9.400	2,7%
Қурувчи уста	9.291	2,6%
Информатик	8.365	2,4%

Жами: 128.296 36,2%



## Қиз болалар энг кўп эгаллайдиган 10 та касблар

Иш юритувчи		7,9%
Чакана савдо бўйича мутахассис	19.456	7,2%
Сартарош	17.639	6,6%
Шифокор ёрдамчиси	15.773	5,9%
Стоматология бўйича мутахассис	13.845	5,2%
Сотиш ва таъминот бўйича саноат иктисодчи	13.231	4,9%
Озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчиси	11.644	4,3%
Банк хизматчиси	10.588	3,9%
Меҳмонхона хизматчиси	10.078	3,7%
Сотувчи	10.014	3,7%

Жами: 143.601 53,4%



### в) Франция таълим тизими



Франция жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизими ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган “Таълим ҳақидаги қонун”и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички ташқи сиёсатидаги ислохотлар натижасида юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидаги илғор

технологияларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлган.

**Францияда таълимнинг асосий мақсади** – шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир.

Францияда таълим тизимини ривожлантириш учун давлатнинг 21 фоиз маблағи ажратилади.

Францияда

1. Давлат мактаблари.

2. Хусусий мактаблар.

3. Оралиқ мактаблар мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик ҳисобланади. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларда ўқиш эрталаб бўлади, тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан кўшимча сабоқ оладилар. **Математика, она тили ва адабиёти базавий фан, тарих, география, МЕҲНАТ, жисмоний тарбия** каби фанлар эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш ҳисоблаш малакасини беришдир.

Ўқув машғулоти эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган нархларда амалга оширилади.

Бошланғич синфларда ўқиш 5 йил бўлиб, уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи.

2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади).

3. Чуқурлаштирилган босқич.

Тайёрлов босқичи – 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга, ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга, жисмоний машқлар билан машғул бўлишга, мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга, **муסיқа ва МЕХНАТга ўргатилади.**

Навбатдаги босқич – элементар курс бўлиб бу босқичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олинган билимлари янада такомиллаштирилади.

Бошланғич мактабнинг 3-босқичи – чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Француз мактабларининг бошланғич босқичида “Фуқаролик таълими”, “Нафосат таълими” ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига муסיқа, тасвирий санъат, **мехнат**, спорт киритилган. Ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш, уларни рағбатлантириш, шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, таълимда узлуксиз ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқувчиларига қўйилган бош талабдир.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи болалар билимига тўла масъул экан унинг услуб танлашига мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар берилади.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда бўлиб, биринчи босқичда француз тили ва адабиёти, чет тили (инглиз, немис, испан, италян тиллари), тарих, Франция географияси, математика, тиббий фанлар ўргатилади. 6-5-синфлар умумий ўрта таълим беради; 4-3-синфларда эса ўқувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади. Биринчи босқич якунлангач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар.

Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб 2-синф кичик, 1-синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва **техник лицейларни** тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва диплом иши учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

#### г) Япония таълим тизими

Япония таълимининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдида икки вазифани: 1-бойиш, 2-ғарб технологиясини Япония ишлаб

чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилади.

1872 йили “Таълим ҳақида Қонун” қабул қилинади. Бунда япон таълими ғарб таълими билан уйғунлаштирилади. 1893 йили **касб йўналишидаги** дастлабки коллеж пайдо бўлди. 1908 йил Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилади.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги замон япон таълим тизимининг таркиби қуйидагича (10-слайд):

10-слайд



Бундан ташқари япон таълим тизими таркибига олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртлари ҳам киради.

Болалар ёш хусусиятларига қараб 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинади.

**Мажбурий таълим.** Таълимнинг поғонаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. 6 йиллик бошланғич таълим ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб, 9 йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир, бепул дарсликлар билан таъминланган. Муҳтож оилаларнинг болалари бепул нонушта, ўқув қуроллари, тиббий хизмат билан таъминланади.

Зарур бўлган тақдирда уларнинг оилаларига ҳам моддий ёрдам кўрсатилади. Шу қаторда хусусий мактаблар ҳам мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактаб 10-, 11-, 12-синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундузги, сиртки ва кечки бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг 95% кундузги мактабларда ўқийдилар.



Японияда ўқув йили 240 кун (АҚШда 180 кун). Ўқув йили 1 апрелдан бошланиб март ойида тугайди. Ёзги таътил июнь ойининг охирида бошланиб, август ойида тугайди. Дарслар 7 соатдан ўтилади.

#### **Коллежлар:**

1. Кичик коллеж;
2. Техник коллеж;
3. Махсус коллежларга бўлинади.

Уни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг

3 ёки 4 курсларига қабул қилинади.

Олий ўқув юртларига катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. У ерда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий, 1-тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўғри келади. Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади:



1-босқичи турар жойда ўтказилади: бунинг учун япон тили, эски япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Бир қатор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шахобчасига эса (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни қамраб олади).

Японияда бошланғич мактабда ва олий ўқув юртларида технология фани узлуксиз равишда ўқитилади. Технология фани таркибида чизмачилик, тасвирий санъат фанлари ҳам киритилган ҳолда амалга оширилади.



### д) Жанубий Корея таълим тизими

Кореянинг замонавий таълим тизими расман Япония муштамлакасида озод бўлган 1945 йилдан бошланган. Аммо кенгроқ қарайдиган бўлсак, корейларда



таълим тизими 1894 йилги ислохотлардан кейин юзага келган, дейиш мумкин. 1881 йили Кореядаги Чосон хукумати мамлакат хавфсизлигини кучайтириш мақсадида махсус армия тузади ва ғарбликлар ҳарбий санъатдан дарс бера бошладилар. Бу ўз навбатида чет тили ва бошқа фанлар таълимини юзага келишини таъминлади. Гарчи 1882 йили махсус қўшин учун дарслар тўхтаб қолган бўлса-да, бир қанча амалий фанлар дарси давом этаверди. Бу даврда аста-секинлик билан

Гвангхевон, Бежехакдан, Ихвахакдан каби шахсий таълим муассасалари ҳам вужудга кела бошлади ва кейинчалик университетлар учун асос бўлиб хизмат қилди. 1894 йили шахсий билим масканлари бирлаштирилиб, мамлакат таълим тизимини бошқарувчи институт ташкил этилди. Шу билан бирга 1895 йилдан бошланғич мактаблар ва мактаб учун кадрлар тайёрлайдиган педагогика мактаблари тузилади.

Замонавий Корея таълим тизимида бошланғич мактабларнинг роли муҳим. Кореяда бошланғич таълим учун ўқув йилида 1 мартга қадар 6 ёшдан юқори бўлган болалар қабул қилинади. Лекин 5 ёшли болалар ҳам ўқишга киришга ҳуқуқли бўлиб, бунинг учун мактаб масъул шахсининг рухсатномасини олиши лозим бўлади. Ўқув йили эса 1 март Корея республикасида давлат байрами муносабати билан 2 мартдан бошланади. 6 йил давом этадиган бошланғич таълим мажбурий этиб белгиланган. Бошланғич таълимда 1 йил икки семестрга бўлинган ҳолда олиб борилади. Бошланғич таълимдан кейинги “зинапоя” вазифасини ўрта таълим бажаради. Ўрта таълим Корея республикасида 3 йил давом этади. Ўрта таълим ҳам мажбурий бўлиб, бир ўқув йили 1 мартдан кейинги йил март ойига қадар давом этади. Дарслар 45 дақиқадан этиб белгиланган бўлиб, бир йилда 1222 соатни ташкил этади. Ўрта таълим мактабларида давлат тили, ахлоқ, ижтимоий фан, математика, жисмоний тарбия, мусиқа, ТЕХНОЛОГИЯ, санъат, чет тили каби 10 га яқин фанлар ўқитилади. Шунингдек, ўрта мактабда ўқувчи учун танлов фанлар мавжуд. Ўрта мактаб тугатилгач юқори мактабларда таълим давом эттирилади.

Юқори мактаблар бир неча турларга бўлинади:

1. Давлат юқори мактаблари (Корея Таълим ва Техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради).

2. Умумий юқори мактаблар (ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади).

### 3. Хусусий юқори мактаблар.

Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанлари га кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади: умумий мактаблар, махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб), **техника мактаблари**, чет тили мактаби, жисмоний тарбия мактаби, санъат мактаблари. Корея Республикасида Таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади.

Жанубий Кореяда таълим ҳақидаги Қонун 1948 йилда қабул қилинган. Таълим тизимига асос қилиб анъанавий ғарб модели олинган: 6 йил – қуйи мактаб, 3 йил – ўрта, яна 3 йил – олий мактаб; сўнгра тўрт йиллик коллеж ва бакалавр унвони берилади; танланган фан яна 2 йил чуқур ўрганилгандан сўнг магистр унвонини олиш мумкин. Фан доктори бўлиш учун яна 3 йил вақт сарфлаш лозим.

Мамлакатда олий ўқув юртларининг ишлари яхши йўлга қўйилган. Кореяда 104 та олий ўқув юрти бор, уларнинг 80 фоизи хусусийдир. Ҳозир мамлакатда олий ўқув юртларида ўқишга қизиқиш жуда кучайиб кетган. Ҳар йили мактабларни битирувчиларнинг 40 фоизи ўқишга киради. Талабалар сони бўйича Корея дунёда биринчи ўринда туради.

Бошланғич мактаб масаласига келганда (бу мактабга олти ёшлилар келишади) синфларнинг тиғизлигини кузатиш мумкин. Ҳар синфда 50 нафаргача бола ўқийди. Дарс қийинчиликлари ҳам кўпроқ. Лекин ўйинлар дам олиш ўқув дастурига киритилган. Шунинг учун дам олишга имконият бор.

Бошланғич мактабда дарс 40 минут давом этади. Ўрта мактабда эса дарслар 45 минут.

Олий мактабда дарснинг давомийлиги 50 минутга тенг. Бу эрда икки муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Олий мактабга, албатта, кириш имтиҳонлари топшириб кирилади, ўқишлар пуллик.

Бошланғич мактабда 9 та фан ўқитилади. Корейс тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари арифметика, айрим ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади.

Ўрта мактабда фанлар яна 4 тага кўпайтирилган. 7-синфдан бошлаб чет тиллар ўргатилади. Мамлакатда инглиз тилига эътибор кучли. Кўпчилик бу тилда бемалол гаплаша олади. Чет тилларни ўқитишга ҳафтасига 4-5 соат ажратилган. Корейслар яна бир тилни – классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 8-синфдан бошлаб Хитой тарихи ўрганилади.

**Ўқувчиларга ҳунар ўргатиш ва касбга йўллаш масалалари Япониянинг Таълим ҳақидаги қонуни талабларидан бири сифатида алоҳида қайд этилган.**

**Ҳунар мактаблари Кореяда 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45 фоизи бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23 фоизида техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисослари ўзлаштирилади.**

**Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталиқ қиладилар.**

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6,5 фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинсия ўз коллежига эга. Бошланғич синфлар ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак. Ван ўқитувчиси бирмунча кўпроқ ўқийди.

Агар бунга педагогика олий ўқув юртларига ўқишга киришдаги юқори танловни ҳам қўшадиган бўлсак, бу мамлакатда ўқитувчи касбининг эъзозланиши сабаблари аёндыр.

Жанубий Кореяда таълимнинг обрўси нақадар катталаниши куйидаги мисолдан ҳам кўрсак бўлади:

Солиқлар тизимида таълимий солиқ жорий қилинган: ишлаб чиқарувчилар фойданинг маълум фоизини маорифга юбордилар. Давлат бюджетининг 24 фоизи таълимга сарфланади. Мамлакат президенти (у халқ таълими Давлат кенгашини бошқаради) шахсан провинциялар таълим бошқармалари (биздаги халқ таълими бошқармалари каби) бошлиқларини тайинлайди. Бу ҳам ушбу мамлакатда маорифга қанчалар зўр аҳамият берилишини кўрсатиб турибди.

### **Назорат саволлари**

1. Ривожланган давлатлар таълим тизимининг ўзига хосликларини тушунтириб беринг?
2. Америка Қўшма штатлари таълим тизими ҳақида нималарни биласиз?
3. Америка ўрта мактабларида нечта йўналишда касб-хунар асослари ўргатилади?
4. Германияда қандай шаклдаги касб-хунар мактаблари мавжуд?
5. Германия касб-хунар таълимининг дуал тизими мазмунини тушунтириб беринг?
6. Германия касб-хунар мактабидаги таълим мазмуни нималардан иборат?
7. Германия касб-хунар таълими ўқувчиларига қандай талаблар қўйилади?
8. Германияда ўқувчиларни мактадларга қабул қилиш қандай тартибда амалга оширилади?
9. Франциянинг таълим тизими қандай структуравий тузилишга эга?
10. Францияда таълимнинг асосий мақсадини биласизми?
11. Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркиби қисмлари нималардан иборат деб ўйлайсиз?
12. Жанубий Кореядаги таълим моделини изоҳлаб беринг?
13. Японияда таълим тизими бошқичлари ҳақида гапиринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Fachglossar – Betriebliche Ausbildung. Deutsch-Russisch. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2008. Bonn, 60 s.
2. Berufsausbildung sichtbar gemacht. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2003. Bonn, 72 s.

3. Bildung in Deutschland. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2004. Bonn, 6 s.
4. Ausbildung und Beruf. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2007. Bonn, 222 s.
5. Berufsbildung in Deutschland. Europäisches Zentrum für die Förderung der Berufsbildung. (CEDEFOP). Thessaloniki. 2007, 102 s.
6. Jugend und Berufsbildung in Deutschland. Bundesinstitut für Berufsbildung. 1994. Berlin, 31 s.
7. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.
8. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.
9. Higher education in japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception).
10. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)

## **2-мавзу: Технология фани ўқитувчисига қўйиладиган квалификациян талаблар (шахсий ва касбий; креативлик ва компетентлик)** (2 соат маъруза)

### **Режа:**

1. Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбати.
2. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти.

**Таянч иборалар:** таълим-тарбия, шахсий ва касбий сифатлар, компетентлик, касбий компетентлик, креативлик, ижтимоий, махсус, психологик, методик, информацион, креатив, инновацион, коммуникатив, шахсий, технологик, экстремал компетентлик, ишонч кузатувчанлик, қатъиятлилик.

### **1. Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбати**

Педагогика фанлари доктори, профессор Ш.С.Шарипов томонидан ҳар бир инсоннинг касбий фаолияти талаблари ва жамият тан олган одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этадиган шахс сифатларининг қиёсий нисбати ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган<sup>1</sup>.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, шахсий сифатлар шахснинг малакали касб эгаси сифатида шаклланишига замин яратиб беради, яъни шахсий ва касбий сифатлар умумий характерга эга.

Касбий камолот жараёни мутахассиснинг касбий ўзини ўзи белгилашнинг манбаи ҳисобланади. Касб танлаш, касбий таълим ва тарбия касбга киришиш ва касбий маҳорат касбий камолот босқичлари ҳисобланади. Улар шахсий-касбий сифатларнинг шаклланиш ва камол топишини назарда тутди.

Шахсий хусусиятларга ва касбий фаолиятнинг мотивацион асосларига эса эркин мулоқот юрита олиш, ҳиссий барқарорлик, доминантликка интилиш, ижтимоий етуклик, ижтимоий дадиллик, ишонувчанлик, мустақиллик, ишонч, ўз-ўзини назорат қилиш, кўзғалувчанлик, асабий таранглик, муваффақиятга интилиш, ютуққа эҳтиёж, ўз-ўзини баҳолаш киради.

Касбий сифатларга – одамлар ишончини қозона билиш, сафарбарлик, ўз меҳнатини ҳисобга олиш ва иқтисодий баҳолаш, кузатувчанлик, қатъиятлилик, чидам, уддабуронлик, турли хил ва мураккаб техникадан фойдалана билиш, узокни кўра билишлик, тартиблилик, жамоада қулай шароитни яратиш, ташаббускорлик, амалий меҳнатга мойиллик киради.

---

<sup>1</sup> Шарипов Ш. Касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография. – Т.: Фан, 2005. – 136 б.

## Шахсий ва касбий сифатларнинг қиёсий нисбати

Шахсий сифатлар	Касбий сифатлар
Ижтимоий фаоллик	Касбий фаоллик, ташкилотчилик
Ҳаётий одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш	Касбий одоб-ахлоқ, этикет
Мустақил фикрга эга бўлиш, ўзига ишонч	Касбий эркинлик, толерантлик
Ватанпарварлик, инсонпарварлик, онглилик, юрт олдидаги, ота-она олдидаги фарзандлик бурчи ва мажбурият	Касбий бурч, масъулият, тартиблилик, кузатувчанлик
Ижтимоий билим, зиёлилик	Касбий билим
Муомала маданияти	Муомала маданияти
Ширинсуханлик	Нутқ маданияти
Адолатпарварлик, виждонли бўлиш	Тўғрилиқ, виждонлилик
Эътиборлилик	Ходимларга нисбатан эътибор
Топқирлик	Ташаббускорлик
Ҳозиржавоблик	Ишчанлик
Камтарлик	Камтарлик
Меҳнатсеварлик	Меҳнатсеварлик
Ўз камчилигини англай билиш	Ўз хато ва камчиликларини кўра билиш
Тартиблилик	Интизомлилик
Мустақил изланиш	Ижодкорлик

Касбий-шахсий хусусиятларга, ишдаги мулоқотмандлик, ҳиссий барқарорлик, ижтимоий дадиллик, марҳаматлилик, кутилмаган ҳолатларга дуч келинганда ўзини йўқотмаслик, ижтимоий етуклик, онглилик, ҳалоллик, умуминсоний қадриятларни тасдиқлашга интилиш, оқилона ишонувчанлик, ўзини-ўзи назорат қилиш, қатъиятлилик, ташаббускорлик, сафарбарлик, кузатувчанлик, тартиблилик, амалий меҳнатга мойиллик ва бошқалар кирди.

**Креативлик** (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғулариди, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради.

П.Торренс фикрича, “Креативлик” тушунчаси негизида қуйидаги ёритилади:

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;

- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш.

Дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия каби кўплаб мамлакатларида шахс креативлигини тадқиқ қилишга оид тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Бу борадаги тадқиқотлар натижалари сифатида замонавий педагоглар эътиборини ўзига жалб қилаётган эмпирик натижалар, шунингдек, илмий фаразлар, концепцияларни қайд этиш мумкин.

Кўпчилик концепцияларда иқтидорлилик ва унинг ривожлантирувчи асослари шахс креативлиги тушунчаси билан ифодаланувчи ижодий имкониятлари ва қобилиятлари орқали тавсифланади. Креативлик фикрлашда, мулоқотда, фаолиятнинг алоҳида турларида намоён бўлиши мумкин. У умумий ҳолатда шахс ёки унинг алоҳида қобилиятларини тавсифлаши мумкин.

“Креативлик” тушунчасининг турли таърифлари мавжуд<sup>2</sup> (1-шакл). Кўпчилик ҳолатларда “креативлик” дейилганда техник малакаларни эгаллаш, яхшилаш ва такомиллаштириш, муаммоларни ўзгача нуқтаи назардан ўрганиш, янги, ностандарт ечимларни топиш қобилияти тушунилади. Инсоннинг ижодий имкониятлари тўғридан-тўғри ва бевосита унинг билим олиш қобилиятлари билан боғланган эмас ва ҳамма вақт ҳам у интеллект тестларида намоён бўлавермайди. Аксинча, ижодкорлик эгалланган билимларнинг миқдори ва турли-туманлиги билан, балки қатъий таркиб топган тушунчаларни инкор эта олувчи янги ғояларни сеза олиши билан изоҳланади. Ижодий ғоялар одатда релаксация пайтида, олдиндан жиддий изланишлар натижасида тайёрланган, тарқоқ диққат пайтида юзага келади.

## **2. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти**

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. *Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур?* Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритилади.

---

<sup>2</sup> Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дисс. – Т.: 2012.-308 б.



**1-шакл. Креативлик тушунчасининг тавсифланиши**

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

**Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши.**

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди (11-слайд).

Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади (12-слайд).



**“Компетентлик”** (ингл. “competence” – “қобилият”) — фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш.



**КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯГА ЭГА МУТАХАССИС**



Касбий компетентлик негизда турли сифатлар шаклланади (2-шакл).



2-шакл. Касбий компетентлик негизда акс этадиган сифатлар

Қуйида касбий компетентлик негизда акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

**1. Ижтимоий компетентлик** – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

**2. Махсус компетентлик** – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизда психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

а) **психологик компетентлик** – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

б) **методик компетентлик** – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

в) **информацион компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

г) **креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намойиш эта олиш;

д) **инновацион компетентлик** – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш;

е) **коммуникатив компетентлик** – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

ж) **шахсий компетентлик** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

з) **технологик компетентлик** – касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойтадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

к) **экстремал компетентлик** – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

### Назорат саволлари

1. Шахсий ва касбий сифатлар нималардан иборат ва уларнинг қиёсий нисбатини тушунтириб беринг?
2. Креативлик ва компетентлик нима?
3. “Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини изоҳланг?
4. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
5. П.Торренс фикрича, “Креативлик” тушунчаси негизида қандай тушунчалар ёритилади?
6. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?
7. Педагог қандай касбий компетентлик сифатларига эга бўлиши керак?

### 3-мавзу: Технология фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувлар (2 соат маъруза)

#### Режа:

1. “Меҳнат таълими” фани номини “Технология” фани номи билан ўзгартирилишининг асосий омиллари.
2. Технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий мақсади ва вазифалари.
3. Умумий ўрта таълими тизимида умумтаълим фанларини ўрганиш босқичлари.
4. Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетенция элементлари.

**Таянч иборалар:** таълим-тарбия, давлат таълим стандарти, умумий ўрта таълим, умумтаълим фанлари, “Меҳнат таълими”, “Технология”, омил, мақсад, вазифа, босқич, ўқувчи, компетенция, таянч компетенция, фанга оид компетенция, инновация.

#### 1. “Меҳнат таълими” фани номини “Технология” фани номи билан ўзгартирилишининг асосий омиллари

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳукуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти куришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishi учун шарт-шароитлар яратишга, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантиришга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистан Республикаси Биринчи Президенти томонидан 2016 йил 9 февралдаги ““Соғлом она ва бола” давлат дастури тўғрисида”ги<sup>3</sup> ПҚ-2487-сонли Қарорининг 62-бандида: “2016-2020 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва нашр этиш бўйича дастурнинг лойиҳасини тайёрлаш ва бунда республикада инглиз тилида нашр этилган дарсликларни ишлаб чиқишда орттирилган илғор тажрибадан унумли фойдаланган ҳолда қуйидагиларга эътибор бериш:

умумий мажбурий таълимнинг барча босқичларида ўқув фанларини, биринчи навбатда, аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг принципиал янги методологиясини жорий этиш;

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ““Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2487-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 7-сон, 62-модда.

янги ўқув дастурлари ва замонавий иллюстрацияли дарсликларни, бошланғич синф ўқувчилари учун иш дафтари, мультимедиали диск илова қилинган ўқитувчи китобидан иборат ҳолда ишлаб чиқиш;

янги таълим стандартларини, ўқув дастурларини ва режаларини, энг аввало, дарсликлар ва мультимедиали иловаларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш учун АҚШ, Германия, Франция, Корея Республикаси ва Япониядан етакчи ўқув марказларини, ўқитишнинг тегишли соҳаларидаги халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этиш” каби вазифалари белгиланган бўлиб, умумий мажбурий таълимнинг барча босқичларида ўқув фанларини, биринчи навбатда, аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг принципиал янги методологиясини жорий этиш уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ижодий гуруҳ томонидан ишлар олиб борилди.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2015 йил 11 августдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тажриба-тадқиқотдан ўтказиш тўғрисида”ги 229-ҚБ, 29-ҚҚ, 36/ҚБ-сонли кўшма буйруғи асосида 2015-2016 ўқув йилидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ташкил этилган Республика миқёсидаги 70 та умумий ўрта таълим муассасаларида, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 6 та: Аниқ фанларга, Филология фанларига, Профилли меҳнат таълимига, Табиий фанларга, Хорижий тилларга ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаблари, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи, 52 та касб-ҳунар коллежи ва 18 та академик лицейларида тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан 2017 йилнинг 7 февраль куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги<sup>4</sup> ПФ-4947-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон асосида **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси белгилаб берилди.**

**Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга** йўналтирилган бўлиб, унда “...таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” масалаларига катта эътибор қаратилган.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жумладан, 2017 йил

---

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

Ўзбекистон Республикасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди.

**Дастурнинг 4.4-бўлими “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” деб номланган бўлиб, унда**

узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш каби масалалар белгиланган.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”<sup>5</sup> 140-сонли, 2017 йил 6 апрелда “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”<sup>6</sup> 187-сонли Қарорлари қабул қилинганлиги таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда узвийлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши таълим тизимини тубдан модернизация қилинаётганлигидан далолат беради, деб ўйлаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “Меҳнат таълими” фани номини “Технология” фани номи билан ўзгартирилишининг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни келтирмоқчимиз:

1. Жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар асосида умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни кескин ортиб бориши.

2. Давлат таълим стандартлари талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминланганлиги.

3. Таълим соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб борилаётганлиги.

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.

4. Таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситаларини кенг жорий этилиши.

5. Ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш масаласига катта эътибор берилаётганлиги.

6. Кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси узвийлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётганлиги.

7. Эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожланиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг жорий қилишда ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлиги.

8. Сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириб борилаётганлиги.

9. Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатининг устуворлиги.

10. Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этилаётганлиги.

## **2. Технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий мақсади ва вазифалари**

Ўқувчиларни технология дарсларида техник ижодкорликни, қобилиятини, тафаккурини ривожлантириш, дарс жараёнида турли ва табиий ҳамда металл ва металлмас материалларга технология асосида ишлов бериш усулларини ўргатиш орқали касб-ҳунарга йўналтиришни янада кучайтириш, халқ ҳунармандчилиги асослари, рўзгоршунослик, электротехника ишларини бажаришда касб-ҳунарга йўллаш бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда уларни ҳаётда қўллай олиш лаёқатини шакллантириш кўзда тутилган.

**Умумий ўрта таълим муассасаларида технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий мақсади** – ўқувчиларда техник-технологик ҳамда технологик жараён давомида бажариладиган операциялар юзасидан олган билим, кўникма ва малакаларини мустақил амалий фаолиятида қўллаш, касб-ҳунар танлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияларини шакллантиришдан иборат.

**Умумий ўрта таълим муассасаларида технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий вазифалари:**

материаллар ва уларнинг хоссалари, хусусиятлари ҳамда техник объект ва технологик жараёнларга оид маълумотларни ўрганиш;

техник объект ҳамда технологик жараёнларда махсус ва умуммеҳнат операцияларини билиш;

технологик жараёнларни бошқариш, махсус ва умуммеҳнат операцияларини амалиётда қўллай олиш;

техник ва креатив фикрлашни, интеллектуал қобилиятларини шакллантириш;

технологик жараён ва тайёрланган маҳсулотларни бажариш кетма-кетлиги ҳамда маҳсулот сифатини таҳлил қила олиш;

буюм тайёрлаш жараёнларига оид хулосалар чиқариш ҳамда меҳнат жараёнларини, маҳсулот сифатини баҳолай олиш;

онгли равишда касб танлашга йўллаш ишларини амалга оширишда таянч ва технология фанига оид компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

### **3. Умумий ўрта таълими тизимида умумтаълим фанларини ўрганиш босқичлари**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”даги 187-сонли қарори 1-иловасининг 4-бобида Давлат таълим стандарти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат эканлиги белгиланган:

умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси;

умумий ўрта таълимнинг ўқув дастури;

умумий ўрта таълимнинг малака талаблари;

баҳолаш тизими.

Умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган ўқув фанлари номи, ўқув юктамасининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимоли белгиланган ҳужжат ҳисобланади.

Таянч ўқув режа умумий ўрта таълим муассасаларининг дарс жадвалини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Таянч ўқув режа умумтаълим фанлари бўйича белгиланган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатлари (давлат ихтиёридаги ва мактаб ихтиёридаги соатлар)нинг минимал ҳажмини белгилайди.

Педагог кадрлар салоҳияти ҳамда моддий-техника базаси етарли бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг рухсати билан умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик кенгашларига дарс жадвалини тузишда таянч ўқув режадаги умумий соатлар ҳажмидан ошмаган ҳолда, маълум бир фанларни чуқурлаштириб ўқитиш мақсадида 15%гача ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

Умумий ўрта таълимнинг ўқув дастури таянч ўқув режага мувофиқ ўқув фанларининг синфлар ва мавзулар бўйича ҳажми, мазмуни, ўрганиш кетма-кетлиги ва шакллантириладиган компетенциялари белгиланган ҳужжат ҳисобланади.



**Умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув  
РЕЖАСИ**

Т/р	Ўқув фанлари	Синфлар									Ҳафталик умумий соат
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	
	Давлат ихтиёридаги соатлар	22	24	26	26	30,5	32,5	33,5	34	36	264,5
1.	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67
2.	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	16
3.	Чет тили	2	2	2	2	3	3	3	3	3	23
4.	Тарих					2	2	3	3	4	14
5.	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	2
6.	Иқтисодий билим асослари								1	1	2
7.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45
8.	Информатика ва ахборот технологиялари					0,5	0,5	0,5	1	2	4,5
9.	Физика						2	2	2	2	8
10.	Кимё							2	2	2	6
11.	Биология					1	2	2	2	2	9
12.	Табиёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13
13.	Одобнома	1	1	1	1						4
	Ватан туйғуси					1	1				2
	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари							1	1	1	3
14.	Муסיқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1			7
15.	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1			7
16.	Чизмачилик								1	1	2
17.	Технология	1	1	1	1	2	2	2	1	1	12
18.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	0,5						0,5	0,5	1	2,5
	Умумий соатлар	22,5	24	26	26	30,5	32,5	34	34,5	37	267
	Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида)					6	6	10	16		

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Умумий ўрта таълимнинг **малака талаблари** умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимуми ва якуний мақсадларига, ўқув юкламалари ҳажмига ҳамда таълим сифатига қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, у куйидагилардан ташкил топади:

**билим** – ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

**кўникма** – ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллаш олиш;

**малака** – ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллаш олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

**компетенция** – мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллаш олиш қобилияти.

**Баҳолаш тизими** – давлат таълим стандарти бўйича умумий ўрта таълимнинг малака талабларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражасини ҳамда умумий ўрта таълим муассасасининг фаолияти самарадорлигини аниқлайдиган мезонлар мажмуидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълими тизимида давлат таълим стандартларига асосланган ҳолда умумтаълим фанларини ўрганиш куйидаги **босқич**ларда амалга оширилади (2-жадвал):

2-жадвал

Стандарт даражалари	Даражаларнинг номланиши
A1	Умумтаълим фанларини ўрганишнинг бошланғич даражаси
A1+	Умумтаълим фанларини ўрганишнинг кучайтирилган бошланғич даражаси
A2	Умумтаълим фанларини ўрганишнинг таянч даражаси
A2+	Умумтаълим фанларини ўрганишнинг кучайтирилган таянч даражаси
B1	Умумтаълим фанларини ўрганишнинг умумий даражаси
B1+	Умумтаълим фанларини ўрганишнинг кучайтирилган умумий даражаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”даги 187-сонли қарори 3-иловасининг 18-§ да “Технология” фани умумий ўрта таълим муассасаларида технология ўқув фанини ўрганиш босқичлари белгиланган (3-жадвал).

**Умумий ўрта таълим муассасаларида  
Технология ўқув фанини ўрганиш босқичлари**

3-жадвал

Таълим босқичи	Битирувчилар	Стандарт даражалари	Даража номланиши	Синфлар
<b>Умумий ўрта таълим</b>	Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич 4-синф битирувчилари	<b>A1</b>	Технология фанини ўрганишнинг бошланғич даражаси	1-4
	Умумий ўрта таълим мактабларининг технология ўқув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг 4-синф битирувчилари	<b>A1+</b>	Технология фанини ўрганишнинг кучайтирилган бошланғич даражаси	1-4+
	Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчилари	<b>A2</b>	Технология фанини ўрганишнинг таянч даражаси	5-9
<b>Умумий ўрта таълим</b>	Умумий ўрта таълим мактабларининг технология ўқув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг 9-синф битирувчилари	<b>A2+</b>	Технология фанини ўрганишнинг кучайтирилган таянч даражаси	5-9+

**4. Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетенция элементлари**

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қуйидаги **таянч компетенциялар** шакллантирилади.

## **A1 ва A1+ стандарт даражалари бўйича:**

### **1. Коммуникатив компетенция:**

#### **A1**

технология фанига оид атамаларни мулоқот жараёнида қўллаш олиш; тайёрланадиган буюм кўринишини содда баён қилиш; мавзу бўйича саволлар бериш ҳамда саволларга жавоб бериш; мулоқотда муомала одобига риоя қилиш, суҳбатдошининг фикрини тинглаш олиш, ўз фикрини тушунтира билиш.

#### **A1+**

мактабда, кўчада, уйдаги турли вазиятларда ўзини тута олиш мулоқотга киришишда муомала маданиятига риоя қилиш; олган билимлари асосида мустақил фикр юритиш; ясалган буюмларга мустақил равишда муносабат билдириш.

### **2. Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси:**

#### **A1**

технология фанига оид телевизор, радиода берилган эшиттиришларни кўриш, ўрганилган иш усуллари бажариш, журнал ва газеталарда берилган маълумотларни ўрганиб бориш.

#### **A1+**

технология фанига оид атамаларни топишда медиа воситалардан фойдаланиб, дидактик топшириқларни бажариш ахборот манбаларидан (телевизор, радио, аудио-видео ёзув, телефон) фойдалана олиш; файлларни очишда медиа-маданиятга риоя қилиш.

### **3. Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:**

#### **A1**

технология фанини ўрганиш; амалий ишни бажаришда тозалikka риоя қилиш, катталарни гапига қулоқ тутиш, “Моҳир қўллар” тўғарагида фанларни ўқиб-ўрганиш, меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, ҳурмат қилиш каби сифатларга эга бўлиш; тўғри сўз бўлиш, ўртоқларининг хатосини тушунтириш, катталарга, кичикларга, ўртоқларига ёрдам бериш, ўқиб-ўрганиш орқали билимини ошириб бориш.

#### **A1+**

технология фанига оид турли йўналишдаги китобларни мунтазам ўқиш ва ўрганиш; ўзини хато ва камчилигини тўғри тушуниш, хатоларини тузатишга ҳаракат қилиш, ўзини назорат қилиш.

### **4. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:**

#### **A1**

ўзининг ўқувчилик бурчи ва вазифаларини билиш, унга риоя қилиш, синфда ва оилада ўз ўрнига эга бўлиш; ўзидан катталарга, ўртоқлари ва ўзидан кичикларга ёрдам бериш, мактабдаги ва мактабдан ташқари тадбирларда иштирок этиш ва муомала маданиятга амал қилиш; (каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш каби сифатларга эга бўлиш, оиладаги ўз ўрнини ҳамда вазифаларини англаш олиш; мактаб биноси, синфдаги жиҳозлар.

**A1+**

мебелларни асраб-авайлаш фарзандлик ва ўқувчилик бурчини билиш, унга амал қилиш; ўзининг ёшига нисбатан қандай ҳуқуқлари борлигини билиш, синфдаги жиҳозлар, ўқув қуролларини асраб-авайлаш; мактабда, оилада, турар жойида бўлаётган жараёнларда (турли тадбирлар, шанбалик ва ҳ.к.) иштирок этиш.

**5. Миллий ва умуммаданий компетенция:****A1**

ораста кийиниш ва доимо шунга амал қилиш, дўстларига, яқинлари ва атрофдагиларга меҳрибон бўлиш, ораста кийиниш, юриш-туришда катталардан ўрناق олиш, ўз уйи, мактаби, турар маҳалласини қадрлаш; озодаликка риоя қилиш, миллий байрамларини билиш, ўқувчининг одоб-ахлоқ қоидалари тушунчага эга бўлиш, ўзи яшаб турган диёрдаги тарихий обидаларни билиш.

**A1+**

санъат турларини билиш ва уларни бир-биридан фарқлай олиш, санъат асарларини таҳлил қилиш, мактабнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш; яхши ва ёмон одатларни бир-биридан фарқлай олиш, зиёрат қилиш одобига амал қилиш, миллий қадриятларни (миллий-маданий анъаналар, байрамлар, сайиллар) билиш.

**6. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:****A1**

оиласида нечта одам борлиги, ким катта, ким кичиклигини билиш, мактабга келиб кетадиган вақтни билиш; кундалик режаларини туза олиш; кундалик фаолиятда турли чизмаларни чиза олиш, мамлакатимиздаги байрам кунларини билиш; исроф ва тежамкорликнинг маъносини тушуниш ва кундалик ҳаётда унга амал қилиш.

**A1+**

дарс жараёнида зарур бўладиган ўқув қуроллари, хом ашёлардан тежамкорликка риоя қилган ҳолда фойдаланиш, бир кунлик харажатларини ҳисоблашни билиш; техника турлари ва уларни қачон пайдо бўлганлигини билиш.

**A2 ва A2+ стандарт даражалари бўйича:****1. Коммуникатив компетенция:****A2**

технология фанига оид атамаларни хорижий тиллардан ифодалай олиш, ўз дўстлари билан техника тилида мулоқотга кириша олиш; мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш; ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш.

**A2+**

технология фанига оид суҳбат жараёнида суҳбатдош фикрини таҳлил қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қилиш ва унга ишонтириш; турли зиддиятли

вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, келишмовчиликлар одилона, ҳаққоний ва ижобий ёндашган ҳолда муносабат билдириш ва зарур бўлган қарорларни қабул қилиш.

## **2. Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси:**

### **A2**

мавжуд ахборот манбаларидан (интернет, телевизор, радио (аудио-видео ёзув), телефон, компьютер, электрон почта орқали хабар жўнатиш) фойдалана олиш; медиа воситалардан технология фанини ўрганишга оид зарур бўлган ахборотларни излаб топиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлашда хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиш;

### **A2+**

кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлай олиш, технологик харита ва схемаларга оид манбаларни қидириб топиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, тадбиқ қилиш.

## **3. Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:**

### **A2**

технология фанини йўналишлар бўйича чуқурроқ ўрганиш, йўналишларни бугунги кун талаби бўйича ўз ихтироларини олиб кириш, ҳар бир буюмни тайёлашда дизайнер-моделерлик касби бўйича ёндаша олиш, шахс сифатида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириш; гуруҳларда ишлашда маъсулиятни ўзига олиш, лидер бўла олиш, турли муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш; конституцион ҳуқуқ ва бурчларидан тўғри фойдалана олиш; жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилиш.

### **A2+**

шахс сифатида ўз қизиқишларига қараб, қобилиятларини намоён қила олиш, онгли касб танлаш, ҳалоллик, тўғрилиқ каби инсоний фазилатларга эга бўлиш.

## **4. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:**

### **A2**

соғлом эътиқод ва дунёқараш тушунчаларини билиш; жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик, ўз муносабатини билдириш; касбларнинг моҳиятини тушуниш ва онгли равишда танлаш.

### **A2+**

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини билиш ва унга амал қилиш.

## **5. Миллий ва умуммаданий компетенция:**

### **A2**

халқ хунармандчилиги йўналишларида уларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини ўрганиш, авайлаб асраш, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш.

**A2+**

халқ хунармандчилиги йўналишларида уларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини ўрганиш, авайлаб асраш, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш; умумбашарий аҳамиятга эга бўлган кадриятларни билиш ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

**6. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:**

**A2**

инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган ва қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш.

**A2+**

мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига тутган ўрни ва тарихий шаклланиш даври ҳақида айтиб бера олиш, мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги барча соҳаларда ўсиш суръатларини билиш; кундалик фаолиятда турли формула, модел, чизмаларни ўқий олиш ва фойдалана олиш.

Шунингдек, технология ўқув фани бўйича қуйидаги фанга оид компетенциялар ҳам шакллантирилади.

**Технология ўқув фани бўйича фанга оид компетенциялар:**

**1. Буюм ва маҳсулот турларини, уларни тайёрлаш ва ишлов бериш усулларини билиш, технологик лойиҳалаш ҳамда амалга ошириш компетенцияси.**

**A1**

Турли материаллардан ясаладиган буюмларни ўлчаш, режалаш, елимлаш, содда лойиҳалаш ишларини бажара олади;

табiiй ва турли материалларни бир-бирида фарқлай олади;

турли материаллардан ясаладиган буюмларни қуриш-ясашда ишни кетма-кетликда бажариш режасини туза олади;

содда буюмларни тика олади;

кичик ҳажмдаги буюмларни тўқий олади;

оддий моделларни ясай олади;

ўткир ва тигли асбоблардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда фойдалана олади.

**A1+**

Содда нақш элементларини чиза олади;

нақш элементларидан композиция туза олади;

табiiй материалларда содда нақш элементларини тасвирлай олади;

хунармандларнинг содда иш намуналарини бажара олади;

каштачилик йўналишида содда нақш элементларидан иборат композицияларни тика олади.

**A2**

Табиий ва турли материалларнинг хусусиятларини тавсифлайди ва фарқлай олади;

материалларни саралай олади;

буюм ва маҳсулотларни технологик лойиҳалай олади;

материалларга иссиқ ва совуқ ишлов бериш усулларини бажара олади;

деталларни бир-бирига ёпиштиришда махсус елимлардан фойдалана олади;

буюмларни конструкциялаш ва моделлаштириш ишларини бажара олади;

техник объектларни билади ва технологик жараёнларни қўллай олади;

кичик ҳажмдаги содда буюмларни тикади ва тўқий олади;

ҳаракатланувчи моделларни ясай олади;

асбоб-ускуналарни сақлаш ва таъмирлаш ишларини бажара олади;

халқ ҳунармандчилиги турлари бўйича буюмларни лойиҳалай олади;

электротехника, автоматика ва робототехника турларини тавсифлай олади;

содда электротехника ишларини бажара олади;

техника ва технологияларнинг иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришдаги аҳамиятини билади;

саноат соҳалари бўйича таянч билимларга эга бўлади;

замонавий бозор муносабатларига мослашади ҳамда фаолият юрита олади;

турли материалларга ишлов беришда, асбоб-ускуна, мослама, механизм, машиналарда техника хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда ишлай олади.

**A2+**

Маҳсулот таркиби, хоссалари ва хусусиятларини аниқлайди, тавсифлай олади;

халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича буюмларни технологик лойиҳалаш ва тайёрлашда технологик жараёнларни қўллай олади;

хом ашёларга бадиий ишлов бера олади;

халқ ҳунармандчилиги билан уйғунлашган касб-ҳунарларини содда иш усуллари воситасида қўллай олади.

**2. Психомотор, функционал, ҳамда амалий фаолият турларини бажаришдаги операцион компетенцияси.**

**A1**

Ўз меҳнат ҳаракатларини ўқув топшириқлари асосида мунтазам такрорлай олади;

эгаллаган ҳаётий одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнатсеварликка оид асосий тушунчаларга риоя эта олади.

**A1+**

Ҳунармандларнинг қўл меҳнатига оид билимини умумлаштирган ҳолда амалий вазифаларни бажара олади.



**A2**

Ҳозиржавоблик, ишчанлик, фаоллик ва муомала маданиятига амал қила олади;

ўқув-амалий топшириқларни тизимли, тартиб-интизом асосида бажара олади;

мустақил ишлашга ижодий ёндашиб, креатив фикрлай олади;

**A2+**

Технологик лойиҳалаш ва жараёнларни амалга ошириш бўйича мустақил қарор қабул қила олади;

ўз хато ва камчиликларини англай олади, кўра билади ва тузатишга ҳаракат қила олади.

### **3. Тўғри ва онгли касб танлаш, ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияси.**

**A1**

Касблар оламини билади, касб-ҳунарларга оид маълумотларни тўплайди ва тавсифлай олади.

**A1+**

Ҳунармандлар ҳақидаги маълумотларни билади, улар фаолиятига оид маълумотларни тўплайди ва тавсифлай олади.

**A2**

Касбларда меҳнат турларини (одам-одам, одам-техника, одам-табиат, одам-белгили тизим, одам-бадий образни) таърифлай олади;

ҳудудда жойлашган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ва уларнинг йўналишлари, жойлашувини билади, таҳлил қила олади;

келгуси таълим йўналишини (академик лицей ёки касб-ҳунар коллежини) онгли ва мустақил равишда танлай олади;

касб-ҳунар турларининг инсон саломатлигига кўядиган талабларини ва ўз имкониятларини психологик ва физиологик жиҳатдан баҳолай олади.

**A2+**

Касбий ахборотларни, касбларнинг мураккаблилик омилларини таҳлил қила олади;

узлуксиз таълим тизимини, унда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тутган ўрнини тавсифлай олади;

касбий қизиқиш ва мойилликларни аниқлаш бўйича машқларни мустақил бажара олади.

**Эслатма:**

*Мазкур фанга оид компетенциялар ўз навбатида умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади.*

### Назорат саволлари

1. “Меҳнат таълими” фани номини “Технология” фани номи билан ўзгартирилишининг асосий омиллари нималардан иборат?

2. Технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий мақсади ва вазифалари моҳиятини тушунтириб беринг?

3. Умумий ўрта таълими тизимида умумтаълим фанларини ўрганиш босқичлари белгилашдан мақсад нималардан иборат?

4. Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетенциялардан фойдаланиш орқали натижага эришиб бўладими? Мисоллар билан тушунтириб беринг.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.

4. Тоҳиров Ў.О. Технология ўқув фани давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини таълим амалиётига жорий этиш методикаси. // Методик тавсиянома. – Т.: РТМ, 2017. - 72 б.

## 4-мавзу: Технология фанида STEM таълимий ёндашуви (2 соат маъруза)


### Режа:

1. STEM таълими.
2. STEM таълимнинг афзалликлари.

**Таянч иборалар:** таълим-тарбия, давлат таълим стандарти, умумий ўрта таълим, STEM, STEM таълимини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш, STEM таълимий ёндашув, STEM таълимнинг афзалликлари, табиий фанлар, технология, муҳандислик иши, математика.

### 1. STEM таълими

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори билан тасдиқланган “2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг II бўлим, 11-бандида – умумий ўрта таълимнинг янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш ва шу билан бирга STEM (фан, технология, муҳандислик ва математика) таълимини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш белгилаб берилган.



Мазкур вазифаларни бажариш учун, аввало, таълим иштирокчилари – педагоглар, методистлар, ўқувчилар, ота-оналар ва бошқалар STEM таълими йўналишида ўтказиладиган халқаро тадқиқотлар ҳақида маълумотларни билиши ҳамда уларни амалиётда қўллаш учун малакаларга эга бўлишлари зарур бўлади.

Ҳозирги вақтда технологик инқилоб мавжуд. Юқори технологияли маҳсулотлар ва инновацион технологиялар замонавий жамиятнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Замонавий мактабларда робот дизайни, моделлаштириш ва дизайн лойиҳалаштириш ишлари етакчи ўринни эгалламоқда.

Мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини ошириш учун кўпроқ техник таълим талаб этилаётганлиги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бугунги кунда STEM таълими жамият ва давлатнинг ривожига катта ҳисса қўшадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш имконини бермоқда.


Маълумки, замонавий таълим тизими, анъанавий таълимдан фарқли ўлароқ, амалиётда ўрганилаётган илмий-назарий ва методик услубни кундалик ҳаётда

қандай қўллаш мумкинлигини кўрсатишга имкон берадиган аралаш муҳит ҳисобланади. Математика ва физика билан бир қаторда ўқувчилар робототехника ва дастурлашни ўргандилар. Бу жараёнда ўқувчилар аниқ ва табиий фанлардан олган билимларини амалиётдаги натижасини шахсан кўриб турадилар.

STEM таълимнинг муҳимлиги шундаки, ҳақиқий фан соҳасида таълим сифатининг пастлиги, моддий-техника базани етарли даражада эмаслиги, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг суст мотивацияси – буларнинг барчаси таълим тизимининг энг катта муаммосидир.

Шу билан бирга, босқичма-босқич ривожланиб бораётган давлатимиз юқори технологиялар соҳасидаги фанларнинг турли хил таълим йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб қилади.

Шу муносабат билан, бугунги кунда STEM таълими биринчи ўринда туради. Бу эса келажакда технологик жараёни ривожлантириш ва мамлакатимизда илмий ва муҳандислик кадрларга бўлган эҳтиёжни қопланишига ёрдам беради.



STEM атамаси илк бор АҚШда мактаб дастурига киритилган бўлиб, ўқувчиларнинг илмий-техника йўналишларидаги компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган. Кейинчалик бу йўналиш кенгайтирилиб, атамага кўшимча ҳарфлар киритилди. Жумладан, унга “R” – robotics – робототехникани кўшиб, STREAM деб “A” - art - санъатни кўшиб, STEAM деб атала бошланди.

Бугунги давр талаби дунё таълими олдида катта вазифани кўймоқда. Бу эса ўқувчиларни жамиятда яшашга тайёрлай олиши керак. Бунда биринчи навбатда тез ўзгараётган ахборот билан ишлайдиган касблар билан боғлиқ хусусиятларни ўқувчида шакллантириш лозим. Ахборотни олиш, қайта ишлаш ва амалиётда фойдаланиш STEM таълими дастурининг асосини ташкил қилади.

STEM таълими технологияси лойиҳалаш методига таянган ҳолда унинг асосида билан ва ижодий изланиш ётади. Бундай изланиш амалий фаолият жараёнида билимларни олиш, улардан амалиётда қайта фойдаланиш, яъни ўйинларда турли конструкциялар тузиш, техник ижодиёт элементларини қўллаб, билим олишга оид тадқиқот ишларида амалга оширилади.


STEM таълими ўқувчининг ривожланишини ташқи олам билан бевосита боғлайди. Маълумки, технология фани кундалик ҳаётимизда доимий қўлланилади, муҳандислик эса уйлар, йўллар, кўприклар ва машина механизмларда ўз аксини топган бирор бир касб, кундалик машғулотларимиз озми-кўпми математик ҳисоб-китоблар билан боғлангандир.

STEM таълимий ёндашуви ўқувчиларга дунёни тизимли равишда ўрганишга, атрофда рўй бераётган жараёнларни мантиқий мушоҳада қилишга, улардаги ўзаро алоқани англаб етишга, ўзи учун янги, ноодатий ва қизиқарли нарсаларни очишга имкон беради. Қандайдир янгиликни кутиш орқали ўқувчида қизиқувчанликни ривожлантиради. Ўзи учун қизиқарли масалани аниқлаб олишни, унинг ечимини топишнинг алгоритминини ишлаб чиқишни, натижаларини танқидий баҳолашни, фикрлашни муҳандислик стилини шакллантиришга олиб келади. Жамоавий фаолият олиб бориш кўникмаларини шакллантиради. Буларнинг барчаси ўқувчи ривожланишининг юқори босқичга кўтарилишини ва келажакда тўғри касб танлашга замин яратади.

Шунга кўра дунёнинг кўпгина мамлакатларида STEM таълимий ёндашувга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Европанинг 10 дан ортиқ мамлакатлари (Австрия, Германия, Франция, Италия, Нидерландия, Норвегия, Англия, Ирландия, Испания ва бошқалар) миллий стратегия ва ташаббусларида бу ҳисобга олинган.

STEM таълимни амалга ошириш учун давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритиш лозим. Масалан, бунда АҚШ тажрибасидан ижодий равишда фойдаланиш мумкин.

## 2. STEM таълимнинг афзалликлари



## STEM таълимининг афзалликлари

Техник фанларга бўлган қизиқишларни ривожлантириш.

Лойиҳаларга креатив ва инновацион ёндашув.

Таълим ва карьера орасидаги кўприк.

Ўқувчиларни технологик инновацион ҳаётга тайёрлаш.

STEM мактаб дастурига қўшимча сифатида.

**1. Талим беришни ўқув фанлари бўйича эмас, балки “мавзулар” бўйича интеграциялаб олиб бориш.**

STEM таълимида фанлараро алоқа ва лойиҳалаш методи бирлаштирилган бўлиб, унинг асосида табиий фанларни технологияга, муҳандислик ижодиётига ва математикага интеграция қилиш ётади. Бунда муҳандислик билан боғлиқ қасбларга бўлган тайёргарлик амалга оширилади.

**2. Илмий техник билимларни реал ҳаётда қўллаш.**

STEM таълимида амалий машғулотлар ёрдамида, болаларга илмий-техник билимлардан реал ҳаётда фойдаланиш намойиш қилинади. Ҳар бир дарсда ўқувчилар замонавий лойиҳалашга оид моделларни ишлаб чиқади, куради ва моделни такомиллаштиради. Улар аниқ лойиҳани ўрганади, натижада реал маҳсулотнинг прототипини яратадилар. Масалан, ўқувчилар ҳаракатланувчи содда роботни ясада муҳандислик касби, муҳандислик дизайни, электротехник, конструктор, лойиҳалаш, технологик жараён, технологик харита каби тушунчалар билан танишадилар.

**3. Танқидий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш ва муаммоларни ечиш.**

STEM дастури, болалар кундалик ҳаётларида дуч келадиган қийинчиликларни енгишда зарур бўладиган танқидий таффакур ва муаммоларни ечиш кўникмаларини ривожлантиради. Масалан, болалар тез юрадиган машина моделини йиғадилар, сўнгра уни синовдан ўтказадилар. Биринчи синовдан сўнг кутилган натижага эришилмаса, унинг сабаблари ҳақида ўйлайди ва топадилар.

Балки, ғилдиракларнинг катталиги ёки ишлаш механизмлари тўғри келмагандир. Ҳар бир синовдан сўнг мавжуд камчиликларни бартараф этиб борилади.

#### **4. Ўз кучига ишонч ҳиссини ортиши.**

Ўқувчилар робототехника, машина ва самолёт моделини ишга тушириш ва бошқа ишларни бажаришда олдиларига қўйган мақсадларига эришиш учун ҳаракат қиладилар. Ҳар бир синовдан сўнг моделни такомиллаштириб борадилар. Охирида барча муаммоларни ўз кучлари билан енгиб, ўйлаган мақсадларига эришадилар. Бу ўқувчилар учун руҳланиш, ғалаба ва қувонч демакдир. Ҳар бир ғалабадан сўнг улар ўз кучларига янада ишонадилар.

#### **5. Фалол коммуникация ва жамоада ишлаш.**

STEM дастури фаол коммуникация ва жамоада ишлаш билан фарқланади. Мулоқат даврида ўз фикрларини баён қилиш ва баҳс-мунозара олиб бориш учун эркин муҳит вужудга келтирилади. Улар гапиришга ва тақдимот ўтказишга ўрганадилар. Ўқувчилар доимо ўқитувчи ва синфдошлари билан мулоқотда бўладилар. Ўқувчилар ҳар бир иш жараёнда фаол қатнашсалар, машғулоти яхши эслаб қоладилар.

#### **6. Техник фанларга бўлган қизиқишларини ривожлантириш.**

Бошланғич таълимда STEM таълимнинг вазифаси, ўқувчиларни технология фанига бўлган қизиқишларини ривожлантиришдан иборат бўлиб, бажарадиган ишини севиб бажариш, қизиқишларини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. STEM машғулоти жуда динамик ва қизиқарли бўлса ўқувчилар машғулоти вақтида зерикашмайди ва дарсдан унумли фойдаланадилар.

#### **7. Лойиҳаларга креатив ва инновацион ёндашув.**

STEM таълими олти босқичдан иборат: **савол (вазифа), муҳокама, дизайн, қуриш, синовдан ўтказиш ва ривожлантириш**. Бу босқичлар тизимли лойиҳалаш ёндашувининг асоси ҳисобланади. Турли имкониятларнинг биргаликда мавжуд бўлиши ёки биргаликда ишлатилиши ўз навбатида креативлик ва инновациянинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, фан ва технологиянинг биргаликда ўрганилиши кўпгина янги инновацион лойиҳаларни яратишга олиб келади.

**8. Таълим ва карьера орасидаги кўприк.** Турли хил баҳолашларга кўра ҳозирги кунда талабгор энг кўп бўлган 10 та мутахассисдан 9 тасига айнан STEM билимлари зарур бўлади. Бундай касбларга: муҳандис-кимёгар; нефть бўйича муҳандислар; компьютер тизимлари аналитиклари; муҳандис-механиклар; муҳандис-қурувчилар; робототехниклар ва бошқалар киради.

#### **9. Ўқувчиларнинг технологик инновацион ҳаётга тайёрлаш.**

STEM таълими болаларни технологик ривожланган дунёда яшашга тайёрлайди. Кейинги 60 йил давомида технологиялар жадал даражада ривожланди. Интернетнинг очилиши (1960) GPS технологиялар (1978)дан ДНКни сканерлашгача ва албатта Irod (2001). Барча ҳозирда Iphone ва бошқа смартфонларни ишлатади. Технологияларсиз ҳозирги кунда дунёни тассавур

қилиб бўлмайди. Технологиялар бундан кейин ҳам ривожланишда давом этади ва STEM кўникмалар бу ривожланишнинг асоси бўлади.

### **10. STEM мактаб дастурларига қўшимча сифатида.**

STEM дастурлари 7-14 ёшдаги ўқувчиларнинг муттасил равишда ўтказиладиган машғулотларга қизиқишларини орттиради. Масалан, физика дарсларида ернинг тортишиш кучи ўрганилганда доскада формулаларни ёзиш тушунтирилса, STEM тўғаракларида ракеталар, самолётлар, электртехник ишлари, робототехника, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа амалий ишларни бажариш орқали ўз билимларини мустаҳкамлайдилар.

### **Назорат саволлари**

1. STEM таълимини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш қайси меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган?
2. STEM таълимий ёндашувдан кутилаётган мақсад нималардан иборат?
3. STEM атамаси илк бор қайси давлатнинг мактаб дастурига киритилган?
4. STEM атамасининг луғавий маъноси нима?
5. STEM таълимининг афзалликлари нималардан иборат?
6. Технология фанида STEM таълимий ёндашув қандай аҳамиятга эга ҳисобланади?



**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидаги ўрни ва роли**  
(2 соат амалий машғулот)

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:**

- ✓ технология фанининг узлуксиз таълим тизимидаги ўзига хос ўрни ва ролининг аҳамиятини ўрганиш;
- ✓ технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацияларни белгилаш;
- ✓ фанни ривожланиш тарихи босқичларини аниқлаштириш;
- ✓ жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантириш тенденцияларини белгилаш.

**Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар.**

Машғулот кичик гуруҳларда ишлаш методи ёрдамида ташкил қилинади. Гуруҳларга қуйидаги топшириқлар берилади (гуруҳлар билан ишлашда турли интерфаол методлардан ҳам фойдаланиш мумкин):

**Қуйида келтирилган назарий материалнинг тегишли қисмини ўрганиб чиқинг ва гуруҳ мавзулари бўйича тақдимот тайёрланг ва уни намойиш қилинг.**

**1-гуруҳ мавзуси.** Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидаги ўзига хос ўрни ва ролининг аҳамиятини ўрганиш.

**2-гуруҳ мавзуси.** Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацияларни белгилаш.

**3-гуруҳ мавзуси.** Фанни ривожланиш тарихи босқичларини аниқлаштириш.

**4-гуруҳ мавзуси.** Жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантириш тенденцияларини белгилаш.

**Амалий машғулотга доир назарий материаллар**

Республикамизда узлуксиз таълим тизимида турли соҳаларда рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, уларнинг юксак билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш жараёнида етук малакали мутахассислар фаолиятини ташкил этиш бўйича қўйган ижтимоий буюртмасини бажаришда технология фани жараёнини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда қатор ривожланган давлатларнинг таълим тизими таҳлил қилинганда техник-технологик жараёнларга жиддий эътибор берилаётганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатнинг ривожини ишлаб чиқариш соҳасига боғлиқ эканлиги, ишлаб чиқариш соҳасининг ривожини мутахассислар малакасига боғлиқлиги исботланмоқда.

Бу борада таъкидлаш лозимки, 2017 йилнинг 22 декабрь куни йил якунлари бўйича ўтказилган йиғилишда бежизга мамлакатимиз Президенти 2018 йилни **“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”** деб номламаганлар.

Давлат аҳамиятига молик ушбу вазифани бажариш учун техник-технологик жараёнда ўқитувчиларнинг ўз касбий билим, кўникма ва малакаларини, касбий маҳоратини такомиллаштиришни ҳамда динамик равишда ривожланиб бораётган педагогик жараён талаблари даражасида педагогика, психология, методика фанлари ютуқлари, замонавий техника ва илғор технологиялар, ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиёти муносабатлари бўйича мукамал билимлар, кўникмаларни эгаллашни тақозо этади. Шу муносабат билан, технология фани ўқитувчисининг билим, кўникма ва малакалари кўлами ва сифати, унинг таълим-тарбия жараёнини умумий ўрта таълим ДТС талаблари асосида ташкил этиш ва ўтказиш бўйича эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари, касбий маҳорати ва ҳ.к. каби мураккаб ва кўп қиррали фаолиятини такомиллаштириш жараёнининг дидактик шарт-шароитларини аниқлаш, назорат мақсадига мувофиқ равишда унинг шакл, тур, усул ва воситаларини оптимал танлаш асосида назорат ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш, унинг мазмунини бойитиш, бу соҳада мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган ташкилий ишларни таҳлили бу борада амалга оширилаётган барча тадбирларни илмий-услубий асносида ташкил этилишини талаб қилмоқда.

Бу эса ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим мактабларидан техник-технологик кўникмаларини шакллантиришга эътибор берилмаётганлигини кўрсатишимиз мумкин. Ушбу кўникмалар асосан технология фани дарсларида шакллантирилишини ҳисобга олсак, ушбу фанга эътиборни кучайтириш давр талаби эканлиги яққол намоён бўлади. Айнан технология фанида ўқувчиларнинг ҳам интеллектуал ҳам жисмоний билим, кўникма ва малакалари уйғунлашган ҳолда шаклланиши ҳамда техникага оид меҳнат қилишнинг сенсор кўникмаларининг ривожланиши, шунингдек касблар олами, касб танлашдаги қийинчиликлар ва номутаносибликлар, касб танлашда эътиборга олинадиган омиллар ҳақидаги маълумотлар фаннинг асосий мақсади сифатида берилади. Демак, технология фанига эътибор берилиши натижасида нафақат техникага оид коллежларга балки ёшларнинг ўз касбларини онгли, барча жихатларини ҳисобга олган ҳолда танлашларига эришилади. Тўғри касб танлаган ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш яъни таълим сифати ва самарадорлигини юксалтириш натижасида етук, жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашга замин яратган бўламиз. Ушбу мутахассислар бевосита ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантирган ҳолда мамлакат ривожига ўз хиссаларини қўшадилар.

Шуни айтиш мумкинки, технология фани дарсларини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, инновацион педагогик технологияларни жорий этиш натижасида ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишлари ортиши, амалий машғулотларда меҳнат

объектларини бажариш бўйича аниқ тасаввурларга эга бўлиши, меҳнат операцияларини бажариш бўйича чуқур билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишида кенг имкониятлар очади.

Ҳозирги кунда дунё бўйича ривожланган давлатлар аграр ишлаб чиқаришдан саноат ишлаб чиқаришга яъни янги техника ва технологияларга асосланган автоматик-механизациялашган саноат ишлаб чиқариш давлатига ўтиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда мутахассисларнинг техникавий салоҳияти муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритадиган мутахассисларнинг бошланғич кўникмалари айнан умумий ўрта таълим мактабларида технология фани дарсларида таркиб топади.

“Технология” материаллар ёки ярим фабрикатларни олиш, ишлов бериш ва қайта ишлаш усулларини ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи илмий фандир.

“**Технология**” – юнонча икки сўздан – “**технос**” (**techne**) – маҳорат, санъат ва “**логос**” (**logos**) – фан, таълимот сўзларидан ташкил топган.

Тарихий манбаларга кўра, “Технология” фани ҳам қадимги юнонистонда пайдо бўлган. Ушбу даврда, бу ҳунарманднинг буюмларни тайёрлаш санъатига, устози раҳбарлиги остида (машқлар туфайли) ўзининг тиришқоклиги ва табиий иқтидори орқали эришишини англаган.

Ҳунар ўрганиш индивидуал тарзда амалга оширилар эди. Кўпгина ҳолларда, ҳунар сирлари, фақат авлоддан авлодга, оилавий қариндош уруғларга ўргатилар эди. Авлоддаги узилишлар, маълум бир касб сирларини йўқолишига олиб келган ҳоллар ҳам мавжуд. Мисол тариқасида, қадим Шарқдаги мачит мадрасаларнинг ташки ва ички деворлар, гумбазларидаги нақшлар табиий бўёқларининг тайёрланиш сирлари йўқолиб кетганини келтириш мумкин. Бу бўёқлар ҳанузгача одамларни ўзининг табиийлиги, чиройи, ранглари жилоси, такрорсизлиги, ўзидан нур сочиб туриши, узоққа чидамлилиги билан мафтун этиб келмоқда.

“Технология”нинг фан сифатида вужудга келишига – XVII асрда, саноат ишлаб чиқаришини пайдо бўлиши металлургия, машинасозлик, жумладан саноат жиҳозлари, пароход, паровоз, ўқ отувчи қуролларни ишлаб чиқариш жадал ривожлана бошланиши сабаб бўлди.

Бундай мураккаб ва меҳнатталаб машина ва жиҳозларни ишлаб чиқаришни, фақат технологик жараёни аниқ ишлаб чиқилган технологик ҳужжатлар асосида ташкил этиш мумкин эди. Ушбу ҳужжатларда – хом ашё, материаллар, ярим фабрикат ва маҳсулотларни олиш, ишлов бериш, қайта ишлаш йўллари ва усулларининг мураккаб жараёнларини ўзаро боғлиқ, кетма-кет ва аниқ бажариладиган ҳаракат, операцияларга бўлиб, режалаштирилган натижага эришиш тасвир этилади. Бу кенгайтирилган ва оммавий ишлаб чиқаришга асос бўлади. Бизнинг даврда, технология деб, маълум ишни бажариш санъати тушунилади. Уни эгаллаш учун у акс эттирилган технологик ҳужжатларни чуқур ўрганиш тақозо этилади.

“Технология”нинг фан сифатида шаклланиши, технологияни кўпайтириш ва шу асосда мутахассисларни оммавий тайёрлаш, ҳамда оммавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятини келтириб чиқарди.

### Тарихий маълумот

**1932 йилдан бошлаб меҳнат таълими мажбурий фан сифатида умумтаълим фанлари таркибида ўқитила бошлаган. 1937 йилга келиб меҳнат таълими фани умумтаълим фанлари таркибида ўқитилиши тўхтатилган. Орадан 17 йил ўтиб, яъни 1954 йилдан бошлаб меҳнат таълими мажбурий фан сифатида умумтаълим фанлари таркибида ўқитилиши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга қадар ўқитилиб келинмоқда. 2017 йилдан бошлаб “Меҳнат таълими” номи “Технология” деб атала бошланди.**

Технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (ўқувчи)ларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ходиса, деб таърифлаш мумкин.

Техник технология қуйидагиларни билдиради:

- хом-ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ёки маҳсулотларни олиш, уларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш йўлари ва усулларининг йиғиндиси (технологиянинг жараёнли – баёнли аспекти);

- юқорида кўрсатилган йўллар ва усулларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи фан. Технологияни фан сифатидаги вазифаси, моддий ресурслар ва вақтни энг кам сарфлашни талаб қиладиган самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ҳамда амалда қўллаш мақсадида қонуниятларни топиш ҳисобланади (илмий аспекти);

• жараённинг ўзи – қазиб олиш, топиш, ишлов бериш, қайта ишлаш, ташиш, омборга жойлаш, сақлаш ҳамда ишлаб чиқаришни техник назорат қилиш (технологиянинг жараёнли – ҳаракат аспекти).

Ишлаб чиқаришда “Технология” сўзидан келиб чиқадиган куйидаги тушунчалар ишлатилади:

**Технологик жараён** – ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ишлов беришнинг ягона жараёнини ҳосил қилувчи технологик операцияларнинг йиғиндиси.

**Технологик операция** – ишчи томонидан ўзининг иш жойида бажариладиган, якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги жараённинг бир қисми.

**Технологик харита** – маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш технологик операцияларнинг кетма-кетлигини баён қилувчи техник ҳужжат.

**Технологик режа** – технологик операцияларни амалга оширишни белгиловчи тартиб бўлиб, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бажариладиган операцияларнинг вақти, шартларини белгилайди.

## ТОПШИРИҚЛАР

### 1-гурух учун

Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидаги ўзига хос ўрни ва роли нималардан иборат (3-жадвал).

### 3-жадвал

Т/р	Узлуксиз таълим турлари	Узлуксиз таълим тизимида технология фанининг ўзига хос ўрни ва роли таҳлили
1.	Мактабгача таълим.	
2.	Умумий ўрта таълим.	
3.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.	
4.	Олий таълим.	
5.	Олий ўқув юртидан кейинги таълим.	
6.	Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.	
7.	Мактабдан ташқари таълим.	

### 2-гурух учун

Технология фанидан машғулотларни ташкил қилишда қандай замонавий ёндашувлар ва инновацияларни жорий қилиш мумкин (13-слайд).



### 3-гурух учун

Фанни ривожланиш тарихи босқичларини ДТСга асосланган ҳолда ишлаб чиқинг (14-слайд).



**4-гуруҳ учун**

Жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантиришнинг тенденцияларини аниқлаштиринг (15-слайд).

15-слайд

## Технология фанини ривожлантириш тенденциялари

**Назорат саволлари**

1. Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидаги ўзига хос ўрни ва ролининг аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?
2. Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар деганда нималарни тушунасиз?
3. Педагогик фаолиятингизда қандай турдаги инновациялардан фойдаланасиз?
4. Фанни ривожланиш тарихи бўйича нималарни биласиз?
5. Жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантириш тенденциялари нималардан иборат?
6. Бу тенденциялар асосида ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўллаш самарали бўлади деб ўйлайсизми? Ўз тажрибангиздан мисоллар келтиринг.



### Фойдаланишга тавсия қилинган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.
3. Шарипов Ш.С., Воробьев А.И., Муслимов Н.А., Исмоилова М. Касб таълими педагогикаси. – Т.: 2005.-58 б.
4. Шарипов Ш.С. ва бошқалар. Меҳнат таълими: Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2012.-240 б.
5. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2017.-240 б.
6. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2017.-240 б.
7. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Эргашев Ш.Т., Тоҳиров Ў.О., ва б. Технология фанини ўқитиш ва психологик хизматни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “Мухаммад полиграф” МЧЖ, 2017.-80 б.
8. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 6-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “РОЎТАХТ-PRINT” МЧЖ, 2016.-191 б.
9. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 7-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “РОЎТАХТ-PRINT” МЧЖ, 2016.-166 б.
10. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 8-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2016.-134 б.
11. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 9-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2016.-136 б.
12. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Полимер материалларга ишлов бериш технологияси. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2017.-50 б.
13. Тоҳиров Ў.О. Технология ўқув фани давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини таълим амалиётига жорий этиш методикаси. // Методик тавсиянома. – Т.: РТМ, 2017. - 72 б.



**2-амалий топшириқ.**

**Креативлик тушунчасига оид қандай таърифларни биласиз**



**3-амалий топшириқ.**




## 4-амалий топшириқ.



## 5-амалий топшириқ.

**КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНЦИЯ  
ГА ЭГА  
МУТАХАССИС  
ФАОЛИЯТИ  
НИМАЛАРДАН  
ИБОРАТ**



### Назорат саволлари

1. Шахсий ва касбий сифатлар нималардан иборат ва уларнинг қиёсий нисбатини тушунтириб беринг?
2. Креативлик ва компетентлик нима?
3. “Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини изоҳланг?
4. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
5. П.Торренс фикрича, “Креативлик” тушунчаси негизида қандай тушунчалар ёритилади?
6. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?
7. Педагог қандай касбий компетентлик сифатларига эга бўлиши керак?

### Фойдаланишга тавсия қилинган адабиётлар рўйхати

1. Guilford J. P., Hoepfner R. The analysis of intelligence. N.Y., 1971. – 212 p.
2. Torrance E.P. Guiding Creative Talent – Englewoodcliffs. N. V.: Prentice-Hall, 1962. – 250 p.
3. Wollach M., Kogan N. Modes of Thinking in Young Children. N. V.: Holt, 1965. – 222 p.
4. Психологический словарь / Под ред. В.П.Зинченко. – Москва: Астрель, 2006. – 479 с.
5. Иванова М.И. Развитие научно-образовательной системы Германии в едином европейском образовательном пространстве. Дисс....канд. пед. наук. – Ростов Д., 2000. – 239 с.
6. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта // Психология мышления. М.: Прогресс, 1969. – 145 с.
7. Шарипов Ш. Касб-хунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография. –Т.: Фан, 2005. – 136 б.
8. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дисс. – Т.: 2012.-308 б.

### **3-амалий машғулот: Технология фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувлар (4 соат амалий машғулот)**

#### **Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:**

Технология фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартида келтирилган таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишни ўргатиш.

#### **Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар**

Машғулот интерфаол методлар ва турли графикли органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади.

**Қуйида келтирилган назарий материалнинг тегишли қисмини ўрганиб чиқинг ва берилган графикли органайзерларни тўлдириг.**

#### **Амалий машғулотга доир назарий материаллар**

Мамлакатимиз ёшларининг маънавиятини шакллантириш ва қарор топтиришда, уларни касбга йўналтиришда халқ таълими тизимининг аҳамияти салмоқлидир. Шунинг учун умумтаълим фанлари мазмуни миллий мафкура, умуминсоний қадриятларга ва бой ўтмиш меросимизга асосланган бўлиши, шунингдек, мустақил ва бозор иқтисодиёти шароитида юзага чиққан давлат ва миллий эҳтиёжларни қондиришга қаратилмоғи лозим. Умумий ўрта таълим мактабларида технология фанининг мазмуни ва уни ўқитишнинг умумий мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мос давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши ёш авлоднинг ўзгарувчан дунёда рақобатбардош бўлиши ёшларимиздан фанларни мукамал эгаллашни тақозо этади. Бу эса мамлакатимиз таълим тизимида технология фанини ўқитишнинг халқаро стандартларни жорий этиш орқали таъминланади.

Замонавий фан ва техника тараққиёти умумтаълим мактабларида технология фанини ўқитишга янгича ёндашувни, ўқувчиларнинг бу фандан ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмаларининг мазмуни ва даражасига юқори талабларни қўймоқда. Бугунги кунга келиб, ўқув ахборотлари ҳажмининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги ўқувчиларга нафақат билим бериш, балки уларни “ўқиш ва ўрганишга ўргатиш”ни талаб қилмоқда. Жадаллик билан ўзгариб ва ривожланиб бораётган ахборотлашган жамиятда фаолият кўрсатиш ва яшаш ўқувчилардан нафақат шунчаки тайёр билимларни ўзлаштиришни, балки турфа кўринишдаги маълумотларни мустақил излаб топиш ва қайта ишлашни ҳамда улардан турли ҳаётий вазиятларда самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, охирги пайтларда мактабда технология фани бўйича ўқувчилар ўзлаштириши нисбатан паст бўлиб келмоқда. Бу қайсидир маънода технология фани мазмунининг бир мунча назарий, илмий, мантикий ва амалий тузилишга эга эканлиги, технология фани мазмунининг ҳаётий масалаларга камроқ боғланган ҳолда ўқитилиши ҳамда технология фанини ўқитиш методикасининг такомиллашмагани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шулардан келиб чиқиб, технология фанини ўқитишга ҳам замонавий талаблар қўйилмоқда ва уни компетенциявий ёндашув асосида қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни ташкил этиш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида тасдиқланган компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2017 йил 3 июндаги 190-сонли “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги буйруғига асосан тасдиқланди ҳамда 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этилиши режалаштирилди. Жумладан, ушбу буйруққа кўра, умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

**1-босқич:** 2017-2018 ўқув йилидан 1-, 4-, 6-, 7-10-синфларда;

**2-босқич:** 2018-2019 ўқув йилидан 2-, 3-, 8-, 9-11-синфларда;

**3-босқич:** 2019-2020 ўқув йилидан 5-синфларда.

Бундан ташқари, Республика таълим маркази томонидан соҳа олимлари, мутахассислари, амалиётчи ўқитувчилар иштирокида **5-9-синфларда Технология фанидан гуруҳларга бўлинмасдан ўқитиладиган синфлар учун ўқув дастурлари** ишлаб чиқилди. Мазкур ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта мактаблари учун 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режасининг тушунтириш хатига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 343-сон буйруғи билан тасдиқланди ҳамда умумий ўрта таълим мактабларига юборилди.

## **Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартининг мақсад ва вазифалари**

Давлат таълим стандартининг мақсади – умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат.

Давлат таълим стандартининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш;

миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

ўқув-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари ва битирувчиларининг малакасига қўйиладиган талабларни белгилаш;

кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

таълим ва унинг пировард натижалари, ўқувчиларнинг малака талабларини эгаллаганлик даражасини тизимли баҳолаш тартибини, шунингдек таълим-тарбия фаолияти сифатини назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат таълим стандартлари талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

### **Таянч ва фанга оид умумий компетенциялар**

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қуйидаги таянч компетенциялар шакллантирилади.

**Коммуникатив компетенция** – ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

**Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси** – медиа манбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

**Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси** – доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга



интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутати.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси** – жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

**Миллий ва умуммаданий компетенция** – ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

**Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси** – аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш, инсон меҳнатини энгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати. Мазкур компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилади.

Шунингдек, ҳар бир технология фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда фанга оид компетенциялар ҳам шакллантирилади. Жумладан,

1. Буюм ва маҳсулот турларини, уларни тайёрлаш ва ишлов бериш усулларини билиш, технологик лойиҳалаш ҳамда амалга ошириш компетенцияси.


2. Психомотор, функционал, ҳамда амалий фаолият турларини бажаришдаги операциялар компетенцияси.

3. Тўғри ва онгли касб танлаш, ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияси.


## ТОПШИРИҚЛАР

Графикли органайзерлар асосида ишлаб чиқилган мавзуга оид топшириқлар келтирилган бўлиб, уларда келтирилган саволларнинг жавобларини топинг ва мисоллар билан тушунтириб беринг.

1. “Меҳнат таълими” фани номини “Технология” фани номи билан ўзгартирилишининг қандай омиллари мавжуд?



2. Қандай стандарт даражаларини биласиз?



3. Технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий мақсади ва вазифалари амалдаги меҳнат таълими фани мақсад ва вазифаларидан қандай фарқли томонлари бор?

	<b>Технология фани мақсад ва вазифалари</b>		<b>Меҳнат таълими фани мақсад ва вазифалари</b>
<b>Қ а н д а й ?</b>	_____	<b>Қ а н д а й ?</b>	_____
	_____		_____
	_____		_____
	_____		_____

4. Қандай таянч ва фанга оид компетенция элементлари дастурга киритилган?

<b>Қандай компетенция таянч компетенция элементлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• _____</li> <li>_____</li> <li>_____</li> <li>_____</li> </ul>
<b>Қандай компетенция фанга оид компетенция элементлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• _____</li> <li>_____</li> <li>_____</li> <li>_____</li> </ul>

5. Таквим-мавзу режа қандай тартибда тузилишини таклиф қилган бўлар эдингиз?

Қандай	Қандай	Қандай
_____	_____	_____
_____	_____	_____
_____	_____	_____
_____	_____	_____
_____	_____	_____

6. “Қишлоқ хўжалиги асослари” йўналишини чиқариб ташланганлигининг қандай сабабларини биласиз? Бу йўналиш Сизнинг худудингиздаги мактабларда қандай тартибда ўқитилаётган эди?

_____
_____
_____
_____
_____
_____
_____
_____
_____

### Назорат саволлари

1. Компетенциявий ёндашув деганда нима тушунаси?
2. Фанга оид компетенцияларни изоҳланг?
3. Таянч компетенцияларни технология дарсларида шакллантиришда нималарга эътибор берилди?
4. Технология фанидан таълим мазмунининг минимал ҳажмини тушунтириш?
5. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва компетенцияларнинг 5-9 синфлар кесимидаги даражаларини изоҳланг.

### Фойдаланишга тавсия қилинган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.
3. Тоҳиров Ў.О. Технология ўқув фани давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини таълим амалиётига жорий этиш методикаси. // Методик тавсиянома. – Т.: РТМ, 2017.-72 б.


**КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

## Кўчма машғулот мавзуси: Технология фанининг ривожланиш тенденциялари ва инновациялар (4 соат)

**Машғулотнинг мақсади:** Технология фанининг ривожланиш тенденциялари ва инновациялар, фани ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича инновациялар, тадқиқотлар билан танишиш.

**Ўтказиш жойи:** Кўчма машғулот “Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларида ташкил этилади.

16-слайд



Кўчма машғулот давомида тингловчилар:

1. Жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар асосида умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни кескин ортиб бориши.

2. Давлат таълим стандартлари талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминланганлиги.

3. Таълим соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб борилаётганлиги.

4. Таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситаларини кенг жорий этилиши.

5. Ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш масаласига катта эътибор берилаётганлиги.

6. Кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси узвийлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётганлиги.

7. Эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожланиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг жорий қилишда ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлиги.

8. Сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириб борилаётганлиги.

9. Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатининг устуворлиги.

10. Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этилаётганлиги бўйича амалга оширилаётган тадқиқот ишлари билан танишадилар.

Маълумки, технология фани бўйича назарий ва амалий билимларни ўқувчига қизиқарли, тушунарли қилиб, содалаштириб, оддийдан мураккабга қараб босқичма-босқич ўргатиб боришда ҳар бир ўқитувчи ўзига хос методлардан фойдаланиши табиий.

Илғор педагогик технологиялардан фойдаланиб, замон талаби даражасида билим бериш нафақат ўқитувчини ўз устида ишлашига, балки ўқувчини мустақил ишлаш самарадорлигини оширишга, фанга нисбатан қизиқишларини уйғотишга, касбий билим, кўникма ва малакаларини назарий ва амалий машғулотлар мобайнида янада очиб беришга ёрдам беради.

**Электрон ахборот-таълим ресурси** – ўрганиш ва таълим бериш учун қулай тарзда шакллантирилган, илмий жиҳатдан тизимлаштирилган, турли ёшдаги ва таълим олиш даражасидаги ўқувчи ва ўқитувчиларга мўлжалланган, маълум бир фанни ўрганиш учун мантиқий кетма-кетликда шакллантирилган электрон ахборот манбалари мажмуасидир (17-слайд).

Электрон ахборот таълим ресурси мақсадга йўналтирилган, шахснинг ривожланишига мўлжалланган, таълим мақсадига эришиш учун педагогик методлар ва технологияларнинг услубий изчиллигига эга бўлган педагогик сценарий асосида тузилади. ўқув материалининг жойлаштирилиши тузилмаси




педагогик сценарийга мос тарзда амалга оширилади ва таълим бериш сифатини ошириш учун хизмат қилади.

17-слайд




17-слайд давоми



Технология фани бўйича халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари технология фани методистлари ва таълим муассасалари педагогларига узлуксиз амалий-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида муаллифлар Ш.С.Шарипов, О.А.Кўйсинов, Ў.О.Тоҳиров, Д.Н.Маматов, Д.Ариповалар томонидан “Масофавий методик хизмат” кўрсатиш тизимини жорий этиш мақсадида Ziyonet партали негизда “**texnologiya.zn.uz**” веб-сайти фаолияти иш бошлади. Ушбу веб-сайтда соҳага оид меъёрий ҳужжатлар, соҳа олимлари тўғрисидаги маълумотлар, улар томонидан яратилган адабиётлар, ахборот таълим ресурслари, плакат, буклет, педагогларга ёрдам, кутубхона ва бошқа рунлар келтирилган бўлиб, улардан самарали фойдаланиш методик таъминотини мустаҳкамлашга хизмат қилади (18-слайд).

18-слайд

## Электрон ахборот таълим ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш



**Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар.**

Мавзу бўйича 4 соатлик кўчма амалий машғулот олий таълим муасасаларида “Устоз-шогирд” анъанаси асосида тажриба алмашиш мақсадида ўтказилади. Унда ўтказилган маҳорат дарслари давомида тингловчилар технология фанининг ривожланиш тенденциялари ва инновациялар, фани ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича педагогик инновациялар, тадқиқотлар ҳамда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиши ташкил этилади.

The title is framed by two large, dark blue brackets. The left bracket is on the left side, and the right bracket is on the right side, both pointing towards the center where the title is located.

**КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ**

## **Кейс-стади ҳақида тушунча**

Кейс – стади англизча “case” – аниқ вазият, “stadi” – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характериға эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

### **Кейс-стади методининг келиб чиқиши ҳақида маълумот**

Ушбу метод дастлаб 1920 йилда Гарвард бизнес мактаби (Harvard business school)да қўлланилган. Гарвард бизнес мактабининг ўқитувчилари бизнес йўналишидаги аспирантура бўлими учун тўғри келадиган дарсликларнинг мавжуд эмаслигини тез англайдилар. Ушбу масалани ечиш учун бизнес мактабининг ўқитувчилари томонидан қўйилган дастлабки қадам етакчи бизнес амалиётчиларидан интервью олиш ҳамда мана шу менеджерларнинг фаолияти, унга таъсир этувчи омиллар юзасидан батафсил ҳисобот ёзиш бўлди. Маъруза тингловчиларга у ёки бу ташкилот тўқнаш келган аниқ вазият, ушбу вазиятни таҳлил этиш ва мустақил равишда ёки жамоа бўлиб мунозара ташкил этиш асосида унинг ечими топиш тарзида тақдим этилар эди. Кейинчалик кейс методи бизнес йўналишидаги таълим муассасаларида кенг тарғиб этилган. Ҳозирги кунда эса, касбий компетентликни ривожлантириш нуқтаи назаридан мазкур метод тарафдорлари кўпайиб бормоқда. XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб бизнес-кейслар ғарбий Европа мамлакатларида оммалашди. Европанинг етакчи бизнес мактаблари INSEAD, LBS, HEC, LSE, ESADE ва бошқалар кейс-стади методи асосида дарс берибгина қолмай, кейсларни яратишда ҳам фаол иштирок эта бошлайдилар.

### **Кейс-стади мактаблари**

Кейс стади ишлаб чиқишнинг икки классик мактаби мавжуд:

1. Гарвард (Америка)
2. Манчестер (Европада)

### Кейслар типологияси

Типологик белгилари	Кейс тури
Асосий манбалари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бевосита объектда олиб бориладиган.</li> <li>2. Таълим жараёндаги.</li> <li>3. Илмий-тадқиқотчилик.</li> </ol>
Сюжет мавжудлиги	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Сюжетли.</li> <li>2. Сюжетсиз.</li> </ol>
Вазият баённининг вақтдаги изчиллиги	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўтмиш ва бугунги кунни боғлаш асосидаги кейс.</li> <li>2. Аввал бўлиб ўтган воқеликка асосланган кейс.</li> <li>3. Истикболга йўналтирилган кейс.</li> </ol>
Кейс объекти	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Алоҳида объектга йўналтирилган.</li> <li>2. Ташкилий-институционал.</li> <li>3. Кўп объектли.</li> </ol>
Материални тақдим этиш усули	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ҳикоя.</li> <li>2. Эссе.</li> <li>3. Таҳлилий маълумот.</li> <li>4. Журналистик тафтиш.</li> <li>5. Ҳисобот.</li> <li>6. Очерк.</li> <li>7. Фактлар мажмуи.</li> <li>8. Статистик материаллар мажмуи.</li> <li>9. Ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи.</li> </ol>
Ҳажми	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Қисқа.</li> <li>2. Ўртача ҳажмдаги.</li> <li>3. Катта.</li> </ol>
Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Аниқ структурага эга бўлган.</li> <li>2. Аниқ структурага эга бўлмаган.</li> </ol>
Ўқув топшириғини тақдим этиш усули	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Саволли.</li> <li>2. Топширик тарзидаги.</li> </ol>
Дидактик мақсадлари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш.</li> <li>2. Бирор мавзуга бағишланган тренинг машғулоти фан бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга мўлжалланган.</li> <li>3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи.</li> <li>4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувга доир қарорлар қабул қилишга ўргатувчи.</li> </ol>
Тақдим этиш усулига кўра	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Босма.</li> <li>2. Электрон.</li> <li>3. Видео-кейс.</li> <li>4. Аудио-кейс.</li> <li>5. Мультимедиа-кейс.</li> </ol>

## Кейс-методини амалга ошириш босқичлари:




## ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИДАН КЕЙС ТУРЛАРИ

Тури	Тавсифи	Кейс топшириғи мазмуни
Амалий	Технология фанида фойдаланиш мумкин бўлган ҳаётий вазиятлар	Кейс топшириғи матн кўринишида берилади, унда маълумотлар керагидан кўп ёки етишмаслиги ҳам мумкин. Муаммонинг муқобил ечимлари бир нечта бўлиши мумкин. Уларнинг орасидан энг мақбулини танлаш талаб қилинади.
Ўргатувчи	Технология фанига доир ўқув вазиятлари ва масалалари	Кейс топшириғи технологиянинг бирор бўлими доирасида матн кўринишида берилади. бир-бири билан боғлиқ ва қўйилган масала ечимига олиб келувчи бир неча кичик масалалар рўйхати келтирилади.
Тадқиқот	Вазиятнинг техник ва технологик моделини куриш ҳамда тадқиқ этиш	Кейс топшириғи матн кўринишида берилади. Унда маълумотлар керагидан кўп ёки етишмаслиги ҳам мумкин. Муаммонинг бир нечта муқобил технологиявий моделлари ва уларга мос ечимлари бўлиши мумкин.


## Кейс намуналари

1. Тингловчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш шакллари изохлаб беринг ва ўзингизни малака ошириш фаолиятингиз билан солиштирган ҳолда мавжуд фарқларни аниқланг.





2. Дарахтнинг тузилиши ва ундан тайёрланадиган буюмлар рўйхатини тузинг. Инсон ҳаётида улардан фойдаланиш масалаларини тушунтириб беринг.



3. Технология фанидан назарий машғулотларни ташкил қилишда фойдаланиладиган интерфаол методларни фойдаланиш даврига кўра ажратинг.



4. Технология фанидан амалий машғулотларни ташкил қилишда фойдаланиладиган интерфаол методларни фойдаланиш даврига кўра ажратинг.



5. Технология фанидан машғулотларни ташкил қилишда қандай замонавий ёндашувлар ва инновацияларни жорий қилиш мумкин.



6. Фанни ривожланиш тарихи босқичларини ДТСга асосланган ҳолда ишлаб чиқинг.



7. Жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантиришнинг тенденцияларини аниқлаштиринг.

### Технология фанини ривожлантириш тенденциялари



8. “Технология” ва “Метод” тушунчаларининг бир-бирдан фарқли томонларини аниқланг. Сиз педагогик фаолиятингизда қайси тушунчадан кўпроқ фойдаланасиз? Нима учун?

“Технология” тушунчасига берилган таърифлар	“Метод” тушунчасига берилган таърифлар	“Технология” ва “Метод” тушунчаларининг бир-бирдан фарқли томонлари

9. “Креативлик”, “Компетентлик” ва “Компетенция” тушунчаларини педагогик фаолиятингиздан келиб чиққан ҳолда ҳаётий мисоллар билан изоҳлаб беринг?



The title is framed by two large, dark blue brackets, one on the left and one on the right, both pointing towards the center text.

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ  
МАВЗУЛАРИ**

## **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- фанга оид электрон русурслардан фойдаланиш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Технология фани дарсларини ташкил этиш, моддий-техник ва хом ашё базасини такомиллаштиришнинг инновацион технологиялари” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. “Технология ва дизайн” йўналишини ўқитишда инновацион педагогик технологиялар.
2. “Сервис хизмати” йўналишини ўқитишда инновациялар.
3. Технология фани дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш самарадорлиги ва дарс жараёнида қўлланилиши.
4. Технология фанидан амалий машғулотларини ташкил қилишда хавфсизлик техникаси ва санитария-гигиена қоидалари.
5. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг инновацион педагогик технологиялари.
6. Миллий кадриятларни ўқувчиларга ўргатишда халқ ҳунармандчилигининг ўрни.
7. Технология фанидан мактабдан ва синфдан ташқари ишларни ташкил этиш технологиялари.
8. Технология фани дарсларида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш асослари.
9. Полимер материалларига ишлов бериш технологияси.
10. Электротехника ва электроника ишларини ташкил қилиш методикаси.
11. Рўзғоршунослик ишларини ташкил қилиш методикаси.
12. Карвинг санъати ва унинг турларини ўқувчиларга ўргатишда инновацион ёндашувлар.
13. Ўқувчиларга изонит санаъти тарихи ва изонитдан намуналар тикиш усулларини ўргатиш технологиялари.

14. Ёғочлар ва металга ишлов бериш станоклари.
15. Асбоб-ускуна ва мосламаларни ишга тайёрлаш, улар билан ишлаш методикаси.
16. 5-синфда технология фанини ўқитишда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш.
17. 5-синфда технология фанини ўқитишда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш.
18. 5-синфда технология фанини ўқитишда ахборот билан ишлаш компетенцияларни шакллантириш.
19. 5-синфда технология фанини ўқитишда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни шакллантириш.
20. 5-синфда технология фанини ўқитишда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш.
21. 5-синфда технология фанини ўқитишда математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш.
22. 5-синфда технология фанини ўқитишда ўқувчиларда фанга оид компетенцияларини шакллантириш.
23. 6-синфда технология фанини ўқитишда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш.
24. 6-синфда технология фанини ўқитишда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш.
25. 6-синфда технология фанини ўқитишда ахборот билан ишлаш компетенцияларни шакллантириш.
26. 6-синфда технология фанини ўқитишда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни шакллантириш.
27. 6-синфда технология фанини ўқитишда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш.
28. 6-синфда технология фанини ўқитишда математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш.
29. 6-синфда технология фанини ўқитишда ўқувчиларда фанга оид компетенцияларини шакллантириш.
30. 7-синфда технология фанини ўқитишда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш.
31. 7-синфда технология фанини ўқитишда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш.
32. 7-синфда технология фанини ўқитишда ахборот билан ишлаш компетенцияларни шакллантириш.

33. 7-синфда технология фанини ўқитишда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни шакллантириш.
34. 7-синфда технология фанини ўқитишда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш.
35. 7-синфда технология фанини ўқитишда математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш.
36. 7-синфда технология фанини ўқитишда ўқувчиларда фанга оид компетенцияларини шакллантириш.
37. 8-синфда технология фанини ўқитишда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш.
38. 8-синфда технология фанини ўқитишда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш.
39. 8-синфда технология фанини ўқитишда ахборот билан ишлаш компетенцияларни шакллантириш.
40. 8-синфда технология фанини ўқитишда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни шакллантириш.
41. 8-синфда технология фанини ўқитишда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш.
42. 8-синфда технология фанини ўқитишда математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш.
43. 8-синфда технология фанини ўқитишда ўқувчиларда фанга оид компетенцияларини шакллантириш.
44. 9-синфда технология фанини ўқитишда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш.
45. 9-синфда технология фанини ўқитишда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш.
46. 9-синфда технология фанини ўқитишда ахборот билан ишлаш компетенцияларни шакллантириш.
47. 9-синфда технология фанини ўқитишда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни шакллантириш.
48. 9-синфда технология фанини ўқитишда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш.
49. 9-синфда технология фанини ўқитишда математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш.
50. 9-синфда технология фанини ўқитишда ўқувчиларда фанга оид компетенцияларини шакллантириш.



The word "ГЛОССАРИЙ" is centered between two large, dark blue, L-shaped brackets that form a frame around the text.

**ГЛОССАРИЙ**

**Англаш қобилияти** – ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия жараёни моҳияти, қонуниятлари, психологик ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият.

**Анализ ва синтез тадқиқот усуллари** – технология фани бўйича ташкил қилинадиган амалий машғулотларда турли хил буюмлар яшашда намоён бўлади: технологик хариталар тузиш усули, эскизларни тайёрлаш усули, тайёрланадиган буюм материалининг физик, кимёвий, технологик хоссаларини ўрганиш усули ва ҳоказо.

**Аналогия** – таққосланаётган объектларнинг хусусий хоссалари (белгилари) ўхшашлигига асосланган тасдиқ бўлиб таҳлил қилиш натижасида ҳосил қилинади.

**Баҳолаш маданияти** – педагогнинг у ёки бу педагогик воқеалик, ҳодиса, жараёнлар бўйича уларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри хулоса чиқариш, оқилона қарор қабул қилиш қобилиятига эгаллигини англаш сифати.

**Билиш қобилияти** – ўқитувчининг таълим жараёнининг иштирокчилари – талабалар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият.

**Баҳо** – таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг миқдорий баҳолашда балл “0÷100” ёки рақамлар “5÷1” воситасида шартли ифодаланиши.

**Билим** – ҳақиқий борлиқ умумий аксини топади. Ўқувчилар ҳодиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.

**“Бумеранг” технологияси** – ўқувчини машғулот ва машғулотдан ташқари жараёнларда турли ўқув адабиётлари, муаммоли тажриба бажариш мазмуни билан таништириш, фикрни эркин баён этиш ҳамда муайян тажрибани бажариш давомида уни баҳолашга қаратилган технология.

**Вазият – situation** - (ситуация) (кейинги лотинчадаги situation - аҳвол) – муайян вазият, аҳволни ҳосил қиладиган шарт-шароитлар ва ҳолатлар уюшмаси.

**Виртуал стендлар** – ҳақиқий объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларларнинг электрон модели.

**Графикли органайзерлар (ташкил этувчи)** – фикрий жараёнларни кўргазмалар тақдим этиш воситаси.

**Давлат таълим стандарти** – умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди. Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир (**“Таълим тўғрисида”ги Қонун 7-модда**).

**Дарс** – бу мантиқан тугалланган, бутун вақт билан чегараланган ўқув-тарбия жараёни шакли.

**Дарс таҳлили** – ўқув машғулотини бир бутун яхлит ҳолда ёки муайян бўлақларга бўлиб баҳолаш

**Дастурлаштирилган таълим бериш** – таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.

**Дедуктив хулосалар** – уч хилда бўлади: а) умумийроқ қоидадан умумийроқ бўлмаган (ёки бирлик) ҳукмга ўтиш; б) умумий қоидадан умумий қоидага ўтиш; в) бирликдан хусусийга ўтиш.

**Дедукция** – лотинча дедукцио – келтириб чиқариш маъносини англатиб, тасдиқнинг бир шакли бўлиб, битта умумий ҳукмдан ва битта хусусий ҳукмдан янги унчалик умумий бўлмаган ёки хусусий ҳукм келтириб чиқарилади.

**Дидактик материаллар** – мустақил ва назорат ишлари матнлари, тестлар ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ҳамда жавобларни беради.

**Замонавий ахборот технологиялари** – замонавий компьютерлар ва телекоммуникацион воситаларидан фойдаланадиган, фойдаланувчи ишлаши учун “дўстона” интерфейсга эга булган ахборот технология демакдир.

**Ижтимоий компетентлик** – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгаллик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

**Информацион компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш.

**Инновацион компетентлик** – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш.

**Индивидуал ривожланиш дастури (ИРД)** – ҳар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий-амалий характердаги дастур.

**Интуиция** (лот. “intuition”, “intueri” – “синчиклаб, диққат билан қарамоқ”) – мантиқий боғланмаган ёки мантиқий хулосага келиш учун етарли бўлмаганда кидирув йўналишлари асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эвристик (унумли ижодий фикрлаш) жараёни.

**Индивидуал ўқитиш** – ўқувчи шахсига алоҳида ёндошган ҳолда таълим-тарбия бериш.

**Инновацион вазият** – педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган вазият.

**Инновация** – янгидан киритилган тушунчалар, тартиб қоидалар, технологиялар ва янгиликлар.

**Индукция** – йўналтириш, уйғотиш маъносида бўлиб, уч асосий кўринишга эга: 1) икки ёки бир нечта бирлик ёки хусусий ҳукмлардан янги умумий ҳукм хулоса чиқарилади; 2) тадқиқот усули бўлиб, объектлар тўплами барчасига тегишли хоссалар баъзи алоҳида олинган объектларда ўрганилади;

3) материални баён қилиш усули бўлиб ўқитишда унчалик умумий бўлмаган қоидалардан умумий қоидалар (хулоса ва натижалар)га келинади.

**Интерфаол усул** – таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорлик мулоқоти.

**Кейс-стади – Case study** - (инглизча “case” - тўплам, аниқ вазият, stadi - таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим.

**Креативлик** (ингл. “create” – яратиш, “creative” – “яратувчи”, “ижодкор”) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти

**Креативлик (ижодийлик)** – қандайдир янги, бетакрор нарса ярата олиш лаёқати, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён.

**Компетентлик** (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш.

**Креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намоёниш эта олиш.

**Коммуникатив компетентлик** – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

**Касбий компетентлик** – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши.

**Касбий зийраклик** – ўқувчилар рухий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гуруҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш.

**Касбий-педагогик бурч** – мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан касбий фаолиятда адо этилиши мажбурий бўлган вазифа.

**Кузатиш** – атроф олам алоҳида объектлар ва ҳодисаларининг хоссалари ва муносабатларини улар мавжуд бўлган табиий шароитларда ўрганиш усулига айтилади.

**Кўникма** – эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.

**Малакалар** – бу, кўп марта такрорлаш натижасидаги машинал (беихтиёрий), ҳаракатлардир.

**Махсус компетентлик** – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти

натижаларини реал баҳолаш, билим, кўникма ва малакаларни изчил ривожлантириб бориш.

**Маҳорат** (араб. “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик”) – 1) бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик; 2) бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи.

**Мулоқот** – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви.

**Мулоқот маданияти** – 1) мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгаллик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири.

**Маъруза усули** – бунда ўқитувчи материални ўзи баён этади.

**Метод** - таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар, усуллар мажмуи.

**Модуль** – ўқув ахборотининг мантиқий бўлакка бўлинган қисми, ушбу қисм мантиқан яхлит ва тугалланган бўлиб, унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мумкин бўлади.

**Модулли ўқитиш** – ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

**Муаммо** – ўқув жараёнида ҳал қилиниши.

**Муаммоли вазият** – мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

**Мультимедияли воситалар** – буларга турли типдаги ахборотларни ва жараёнларни матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва виртуал муҳитларни яратиш, саклаш, ишлов бериш, ракамлаштирилган ва жараёнли куринишда амалга оширишнинг компьютерли воситалари киради.

**Меҳнат** – инсонларнинг ижтимоий-фойдали характерга эга бўлган онгли фаолияти.

**Методик компетентлик** – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш.

**Мода** – маълум бир даврда, маълум муҳитда кишиларнинг таъбига, дидига мос бўлган ва кенг тарқалган кийим-кечак.

**Модель** – кўриниши, шакли, материали янги бўлган намуна.

**Педагогик билим** – болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, таълим ҳамда тарбия жараёнини ташкил этиш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтиришга доир тизимланган маълумотлар йиғиндиси.

**Педагогик билимдонлик** – 1) педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билафонлиги; 2) педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси.

**Педагогик бошқариш** – педагогик жараёнларни ташкилий-методик жиҳатдан уюштириш (талабалар фаолиятни бошқариш; талабалар жамоасини бошқариш).

**Педагогик дунёқараш** – педагог ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараённинг мазмунини, натижаларини белгиловчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими.

**Психологик компетентлик** – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараённинг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш.

**Педагогик ижод** – педагогнинг касбий жараёни самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти.

**Педагогик интуиция** (лот. “intueri” – “синчиклаб, диққат билан қараш”) – педагог томонидан педагогик воқеа-ҳодисанинг моҳиятини, ўқувчи хатти-ҳаракатлари мазмунини тасаввур, эмпатия ва орттирилган тажриба асосида ҳис-туйғу, сезги ёрдамида, зийраклик билан мантикий далилларсиз бевосита англаш.

**Педагогик креативлик** (лот. “creatio” – “яратиш”) – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти.

**Педагогик мажбурият** – жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-йўриқ, кўрсатмалар мажмуаси.

**Педагогик тажриба** – касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида педагог томонидан ўзлаштирилган орттирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи.

**Педагогик релаксация** (лот. “relaxatio” – “заифлашиш”, “бўшашиш”) – талабаларнинг ҳиссий фаолияти, руҳий-жисмоний қуввати ва ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш.

**Педагогик рефлексия** (лот. “reflexio” – “ортга қайтиш”, “акс этиш”) – педагогнинг шахс онги моҳияти ва вазифаларини, шу жумладан, қадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаб етиши.

**Педагогик такт** (лот. “tactus” – “дахл қилиш”, “дахлдорлик”, “ҳис этиш”, “туйғу”) – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндошиш малакаларига эгаллиги.

**Ривожлантирувчи таълим** – ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган, талабаларни ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади.

**Табақалаштириш** – ўқитишда ўқувчиларни ўз билим савияси ва қобилиятларига кўра гуруҳларга ажратган ҳолда, табақаларга бўлган ҳолда ўқитишни назарда тутди.

**Тажриба** – объектлар ва ҳодисаларни ўрганишнинг шундай усулига айтиладики, бунда биз уларнинг табиий ҳолатига ва ривожига аралашамиз, улар учун сунъий шароитлар яратамиз, қисмларга ажратиб бошқа объектлар ва ҳодислар билан боғланишлар ҳосил қилиб тадқиқ этамиз.

**Таққослаш** – ўрганилаётган объектларнинг ўхшашлик ва фарқларини фикран ажратишдан иборат.

**Тафаккур** – инсон онгида асқ этган объектлар томонлар ва хоссаларини ажратиш ва уларни янги билим олиш учун бошқа объектлар билан тегишли муносабатларда кўйиш жараёнига айтилади. Умуман олганда, тафаккур объектив борлиқнинг инсон онгида фаол акс эттириш жараёнидир.

**Тафаккурнинг шакллари** – тушунча, ҳукм ва тасдиқлар.

**Таҳлил** - муайян объект, воқеа-ҳодисани ҳар томонлама таҳлил қилиш, чуқур текшириш, ўрганиш.

**Таълим тизими** – турли даража ва йўналишдаги ўзаро алоқадор узлуксиз таълим дастурлари ва давлат таълим стандартлари, ташкилий ҳуқуқий турларидан қатъий назар таълим муассасаларининг барча тармоқлари, таълимни бошқарув органлари ва улар қошидаги муассаса ҳамда ташкилотларни қамраб олувчи тизим.

**Технология** – юнонча икки сўздан – “технос” (**techne**) – маҳорат, санъат ва “логос” (**logos**) – фан, таълимот сўзларидан ташкил топган.

**Технологик компетентлик** – касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

**Тизимли ёндашув** – тадқиқотчининг педагогик объект яхлитлигини очиб кўрсатишга йўналтирувчи, унинг ички алоқа ва муносабатларини белгиловчи жараён.

**Тушунчалар** – объектларнинг турли хил сифатлари, белгилари ва хусусиятларини акс эттиради.

**Таълим воситалари** – ўқув материални кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

**Таълимнинг техник воситалари (ТТВ)** – ўқув материални кўргазмани намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; тингловчиларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.

**Узлуксиз таълим** – ўзаро мантқиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб боровчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими.

**Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ)** – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши.

**Ўз-ўзини ривожлантириш** – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши.

**Ўзини ўзи таҳлил қилиш** – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши.

**Ўз устида ишлаш** – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши.

**Ўқув материалнинг электрон шакли** – босма шаклда баён этилган асосий, тушунтирувчи, амалий матнларнинг овозли электрон версияси тақдим этилади.

**Ўқув-услубий материаллар (ЎУМ)** – ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар тингловчиларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

**Шахсий компетентлик** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

**Шаблон** – қуроқ тикишда газламани бичиб олиш учун мўлжалланган турли шаклдаги картон бўлаги.

**Қобилият** – шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллаш олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусия.

**Экстремал компетентлик** – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

**Электрон дарслик** – фаннинг ўқув ҳажмини тўлиқ қамраган ва масофавий ўқитиш ҳамда мустақил ўрганиш учун компьютер технологияларига асосланган, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб: ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда; ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда; мультимедиа (кўп ахборотли) элементлари, яъни маълумот икки-уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда; тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.



**Электрон луғат** – анъанавий “қоғозли” луғатга мос келувчи электрон ахборот манбаи. Компьютер версияда сўз ёки сўзлар гуруҳига махсус ажратилган кўрсатма билан исталган дастурдан чақирилиши мумкин. Анъанавий луғатлардан фарқли равишда электрон луғат матн ва график тасвирлар билан бир қаторда видео ва анимацион лавҳалар, товуш, мусиқа ва бошқалар билан бирга медиа-объектларнинг бутун спектрларини ўз ичига олиши мумкин.

**Электрон назорат (тестлаштириш)** – электрон ўқув адабиётининг компоненти бўлиб, анъанавий компьютерсиз тестлаштиришнинг аналогидир. Электрон тестлаштириш ҳолатида компьютер тест ва унинг натижаларини кўрсатиб беради, бу билан боғлиқ бўлган алгоритмларни жорий қилади. (Масалан, бажарилган ёки ўтказиб юборилган топшириқларга қайтиш имкониятининг борлиги ёки йўқлиги, битта тестга вақтнинг чегараланганлиги ва ҳоказо).

**Электрон тестлар** – сақланган, ишлов берилган ва баҳолаш учун компьютер ёки телекоммуникацион техникаси ёрдамида тақдим этиладиган тестлар. Тестлар берилиши ўрганилган матнни талабанинг қанчалик даражада ўзлаштирганлиги ўз-ўзини баҳолаш имконини беради.

**Электрон топшириқлар** – ўқитувчига таълим олувчиларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил ва назорат ишлари учун тартибга келтирадиган топшириқлар мажмуини ўзида акс эттирувчи ахборот манбасининг муҳим кўринишидир. Яратилган топшириқлар таълим олувчиларга анъанавий “қоғоз”ли ва электрон вариантларида тавсия этилиши мумкин.

**Эскиз** – хомаки тасвир, чизма. Чизмачилик асбобларидан фойдаланмасдан кўлда, кўз билан чамалаб объектнинг тахминий ўлчамларида бажарилади.

**Электрон назорат (тестлаштириш)** – электрон ўқув адабиётининг компоненти бўлиб, анъанавий компьютерсиз тестлаштиришнинг аналогидир. Электрон тестлаштириш ҳолатида компьютер тест ва унинг натижаларини кўрсатиб беради, бу билан боғлиқ бўлган алгоритмларни жорий қилади. (Масалан, бажарилган ёки ўтказиб юборилган топшириқларга қайтиш имкониятининг борлиги ёки йўқлиги, битта тестга вақтнинг чегараланганлиги ва ҳоказо).

**Электрон ўқув-методик мажмуа** – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида қафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган электрон ўқув-услугий манбалар, мултимедиали дидактик воситалар ва материаллар, мултимедиали электрон таълим ресурслари, мултимедиали баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

**STEM таълимий ёндашуви** – ўқувчиларга дунёни тизимли равишда ўрганишга, атрофда рўй бераётган жараёнларни мантиқий мушоҳада қилишга, улардаги ўзаро алоқани англаб етишга, ўзи учун янги, ноодатий ва қизиқарли нарсаларни очишга имкон беради.



**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.**

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.-56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-102б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-488 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.-176 б.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015.-302 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг тамойиллари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 53-бет.

## **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ““Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2487-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 7-сон, 62-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги Умумий ўрта таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.

## **III. Махсус адабиётлар.**

1. Fachglossar – Betriebliche Ausbildung. Deutsch-Russisch. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2008. Bonn, 60 s.
2. Berufsausbildung sichtbar gemacht. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2003. Bonn, 72 s.

3. Bildung in Deutschland. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2004. Bonn, 6 s.
4. Ausbildung und Beruf. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2007. Bonn, 222 s.
5. Berufsbildung in Deutschland. Europäisches Zentrum für die Förderung der Berufsbildung. (CEDEFOP). Thessaloniki. 2007, 102 s.
6. Jugend und Berufsbildung in Deutschland. Bundesinstitut für Berufsbildung. 1994. Berlin, 31 s.
7. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.
8. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.
9. Higher education in japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception).
10. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009.
11. Improving Learning Environments: School Discipline and Student Achievement in Comparative Perspective (Studies in Social Inequality) HardcoverJune 13, 2012.
12. Guilford J. P., Hoepfner R. The analysis of intelligence. N.Y., 1971. – 212 p.
13. Torrance E.P. Guiding Creative Talent – Englewoodcliffs. N. V.: Prentice–Hall, 1962. – 250 p.
14. Wollach M., Kogan N. Modes of Thinking in Voung Children. N. V.: Holt, 1965. – 222 p.
15. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004
16. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта // Психология мышления. М.: Прогресс, 1969. – 145 с.
17. Иванова М.И. Развитие научно-образовательной системы Германии в едином европейском образовательном пространстве. Дисс. ... канд. пед. наук. – Ростов Д., 2000. – 239 с.
18. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279 б.
19. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. – Т.: “Илм-Зиё” нашриёти, 2012 й.12 б.т.
20. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика (нопедгогик олий таълим муассасалари учун). – Т.: ТДПУ, 2013 й. 15,25 б.т.
21. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: “Фан ва технологиялар”. 2013 й. 8 б.т.

22. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие. – М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002.-336с.
23. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
24. Психологический словарь / Под ред. В.П.Зинченко. – Москва: Астрель, 2006. – 479 с.
25. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтажўжаева тахрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.
26. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
27. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия: “Учебное пособие”, 2004–316 с.
28. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
29. Толипов Ў.Қ., Баракаев М., Шарипов Ш.С. Касб таълими педагогикаси. – Т.: 2003. - 88 б.
30. Тоҳиров Ў.О. Технология ўқув фани давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини таълим амалиётига жорий этиш методикаси. // Методик тавсиянома. – Т.: РТМ, 2017. - 72 б.
31. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 5-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “РОЎТАХТ-PRINT” МЧЖ, 2016.-176 б.
32. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 6-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “РОЎТАХТ-PRINT” МЧЖ, 2016.-191 б.
33. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 7-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “РОЎТАХТ-PRINT” МЧЖ, 2016.-166 б.
34. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 8-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2016.-134 б.
35. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 9-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2016.-136 б.
36. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Полимер материалларга ишлов бериш технологияси. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2017.-50 б.
37. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Электротехника ва электроника асослари. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2017.-40 б.
38. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Рўзғоршунослик асослари. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2017.-46 б.

39. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дисс. – Т.: 2012.-308 б.
40. Шарипов Ш. Касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. // Монография. – Т.: Фан, 2005. – 136 б.
41. Шарипов Ш.С., Воробьёв А.И., Муслимов Н.А., Исмоилова М. Касб таълими педагогикаси. – Т.: 2005.-58 б.
42. Шарипов Ш.С. ва бошқалар. Меҳнат таълими: Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2012.-240 б.
43. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2017.-240 б.
44. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2017.-240 б.
45. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Эргашев Ш.Т., Тоҳиров Ў.О., ва б. Технология фанини ўқитиш ва психологик хизматни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “Мухаммад полиграф” МЧЖ, 2017.-80 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).
3. [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz).
4. [www.ZiyoNet.uz](http://www.ZiyoNet.uz).
5. [www.giu.uz](http://www.giu.uz)
6. [www.texnologiya.zn.uz](http://www.texnologiya.zn.uz)
7. <http://trinitki.ru>
8. <http://xn--b1asibcl6a.xn--p1ai/72-izonit-dlya-nachinayuschihistoriya.html>
9. <http://www.school.edu.ru>.
10. <http://www.mathype.narod.ru>.
11. <http://www.istedod.uz>.
12. <http://www.edunet.uz>.
13. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
14. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
15. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)
16. [www.eduscol.education.fr](http://www.eduscol.education.fr).



